

**С.А. Бобоев    С.Б. Хамрақулов**  
**А.А. Юсупов    А.М. Қадирова**



**КЎЗ ТУБИНИНГ КЛИНИК ВА  
ДИАГНОСТИК АҲАМЯТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИКНИ  
САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ  
ТИББИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ  
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ОФТАЛЬМОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ**



**С.А. БОБОЕВ, А.А. ЮСУПОВ, А.М. КАДИРОВА, С.Б. ХАМРАҚУЛОВ**

**«КУЗ ТУБИНИНГ КЛИНИК ВА ДИАГНОСТИК  
АҲАМИЯТИ»**

*Тиббиёт институти юқори курс талабалари, магистратура  
резидентлари ва клиник ординаторлар учун мулжалланган  
(Ўқув қуланма)*



**ТИББИЁТ КО'ЗГУСИ**

**САМАРҚАНД-2022**

УДК: 617.7(075.8)

ББК: 56.7я73

С.А.БОБОЕВ, А.А.ЮСУПОВ, А.М. КАДИРОВА., С.Б.ХАМРАҚУЛОВ, «КЎЗ ТУБИННИГ КЛИНИК ВА ДИАГНОСТИК АҲАМИЯТИ». Ўқув қўлланма. МАТН. "Tibbiyot ko'zgusi". 156 бет.

#### Тузувчилар

**С.А.БОБОЕВ** – Самарқанд Давлат Тиббиёт Университети офтальмология кафедраси мудири, т.ф.н.

**А.А. ЮСУПОВ** - Самарқанд Давлат Тиббиёт Университети офтальмология кафедраси профессори, т.ф.д.

**А.М. КАДИРОВА** - Самарқанд Давлат Тиббиёт Университети офтальмология кафедраси доцент в.б., т.ф.н.

**С.Б. ХАМРАҚУЛОВ** - Самарқанд Давлат Тиббиёт Университети офтальмология кафедраси ассистенти

#### Такризчилар:

**С.С.АГЗАМОВА** - Тошкент Давлат Стоматология институти офтальмология ва гинекология кафедраси доценти: т.ф.д.

**А.В.Василенко** - Самарқанд Давлат Тиббиёт Институти офтальмология кафедраси доценти, т.ф.н.

Ушбу ўқув қўлланма долзарб муаммолардан бири – кўз тубинниг клиник ва диагностикасига бағишланган. Унда тўр парданинг анатомияси, унинг қон билан таъминланиши ва вазифалари батафсил баён етилган. Муаллифлар нафақат кўриш анализаторининг ҳолати (сетина, оптик асаб, қон томирлари), балки тананинг бошқа органлари ва тизимлари ҳақида ҳам маълумот берадиган Тўр парданинг замонавий тадқиқотларини тасвирлайдилар. Тўр парданинг ҳолатини аниқлашнинг энг маълумотли усулларида бири офталмоскопия-бу кўплаб офталмологик патологиялар ва сурункали касалликларни ташхислаш учун асос бўлиб, улар retina билан боғлиқ муаммолар (қандли диабет, гипертония, буйрак касаллиги, ревматизм, юкумли касалликлар (токсоплазмоз, ОИВ), қон касалликлари, бир қатор неврологик патологиялар, ревматологик патология – васкулит, шунингдек ҳомиладорлик. Шунинг учун fundus патологиясини билиш жуда муҳим, бу ерда ушбу қўлланмада барча тафсилотлар

ISBN: 978-9943-8362-6-6

© Tibbiyot ko'zgusi, 2022

© С.А. БОБОЕВ, А.А. ЮСУПОВ, А.М. КАДИРОВА, С.Б. ХАМРАҚУЛОВ

**Қисқартма сўзлар рўйхати**

**АГ - артериальная гипертензия**

**ДР - диабетик ретинопатия**

**КНД – Кўрув нерви диски**

**КТ-компьютерли томография**

**ОИТС-Ортирилган иммун танқислик синдроми**

**ОСТ-Оптик когирентли томография**

**РНФ - Реклингхаузен нейрофиброматози**

**ТМВТ-Тўр парда марказий вена тромбози**

**ТМАЭ- Тўр парда марказий артерия эмболияси**

**УТТ-Ультра товушли текширув**

**ҚД – Қандли диабет**

**ҚМД-Қарлик макулодистрофияси**

**ЭОГ - электроокулография**

**ЭРГ - электроретинограмма**

МУНДАРИЖА

Кириш .....	5
<b>I БОБ. КЎЗ ТЎР ПАРДАСИНИНГ АНАТОМИЯСИ .....</b>	<b>7</b>
<b>II БОБ. ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ .....</b>	<b>15</b>
КЎЗ ТУБИНИ ТЕКШИРИШ .....	17
КЎЗ ТУБИНИНГ НОРМАЛ ОФТАЛЬМОСКОПИК ҲОЛАТИ .....	18
КЎРУВ НЕРВИ ДИСКИ.....	20
ЁРУҒЛИКНИ СЕЗИШ .....	32
КЎРИШ МАЙДОНИ – ПЕРЕФЕРИК КЎРИШ .....	34
<b>III БОБ. КЎРИШ МАЙДОНИНИ ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ:.....</b>	<b>37</b>
ТЎР ПАРДАНИНГ ПАТОЛОГИЯСИ –( <i>RETINITIS</i> ).....	42
ТЎР ПАРДАНИНГ КЎЧИШИ.....	49
КЎРИШ НЕРВИНИНГ ПАТОЛОГИЯСИ.....	51
КЎРИШ НЕРВИНИНГ ЯЛЛИҒЛАНИШИ. ....	52
КЎРУВ НЕРВИНИНГ ДИСКИНИНГ ДИМЛАНИШИ .....	53
<b>IV. БОБ. КЎРУВ НЕРВЛАРНИНГ АТРОФИЯСИ – оптик нейропатия. 56</b>	<b>56</b>
КЎЗ ТУБИНИНГ ПАТОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАРИ .....	57
КЎРУВ НЕРВИ ДИСКИНИНГ ПАТОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАРИ.....	63
<b>V. БОБ. МИОПИЯДА КЎЗ ТУБИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР .....</b>	<b>85</b>
ХОРИОФИБРОЗ.....	87
Тест топшириклари .....	90
<b>ОФТАЛЬМОЛОГИЯДА ИШЛАТИЛАДИГАН АСОСИЙ ДОРИ</b>	
<b>ВОСИТАЛАРГА РЕЦЕПТ .....</b>	<b>102</b>
<b>АДАБИЁТЛАР .....</b>	<b>153</b>

### Кириш

Одамнинг кўзи эволюция жараёнида ривожланиб мукамаллашган ва бош мияни ташки мухит билан боғловчи кўприк вазифасини ўтайди. Эмбриогенез жараёнида кўз олмаси эктодерма ва мезодерма қатламларидан ривожланади ва шунинг учун организмнинг бошқа орган ва аъзолари билан чамбарчас боғлиқдир. Бош мия билан битта манбадан қон билан (ички уйқу артерияси) таъминланганлиги учун кўп ҳолатларда бош мия касалликлари ўз асоратларини кўз томонидан намоён этади, ёки кўз касалликлари бош мия касалликлари билан бирга кечиши мумкин. Тўр парда бу бош миянинг ойнаси ҳисобланади. Кўзнинг ички қатлами яъни тўр парда кўз туби деб аталади. Унинг ҳолатига қараб кўп касалликларни белгиларини аниқлаш мумкин. Офтальмолог офтальмоскопия қилаётганда кўз туби орқали организм ички кечинмаларини кўриши мумкин. У ҳолда кўрув нерв диски, сарик доғ, тўр парда периферияси ва унда жойлашган қон томирларнинг тирик организмда бемалол кўзата олади. Айрим ҳолатларда офтальмологлар томонидан баъзи бир касалликларнинг бирламчи белгилари аниқланади. Масалан кўрув нерв димланишида бемор шикоят қилмаслиги мумкин, офтальмолог офтальмоскопия қилганда бу белгиларни кўргани захоти нейрохирург ёки невропатологга юборилиши шарт. Беморларни кўп ҳолатларда ретинопатияси офтальмологлар томонидан профилактик кўриклар жараёнида аниқланади ва кейинчалик қандли диабет касаллиги эндокринологлар томонидан тасдиқланади. Офтальмоскопиянинг энг муҳим клиник аҳамияти сурункали симптомсиз кечадиган касалликларда аниқлашда қул келади. Буларга гипертоник касалликлари, қандли диабет касалликлари, буйрак касалликлари киради. Шунинг учун офтальмолог ҳамма томонлама ривожланган кенг қамровли фикрлайдиган мўтахассис бўлиши шарт. Офтальмоскопиянинг расми кўп мўтахассисларнинг ташхислаш жараёнида қатта аҳамиятга эга. Терапевтлар кўз тубининг ҳолатига қараб гипертония касаллиги босқичларини, асоратлари ва прогнозини аниқлаб олади. Эндокринологлар кўз тубининг ҳолатига қараб қандли диабетнинг тури, компенсация даражаси ва ҳамда лазер коагуляцияга кўрсатма бор ёки йуқлигини аниқлайди. Невропатолог ва нейрохирург эса кўз тубининг ҳолатига қараб бош

мия ичидаги босимнинг бор ёки йўқлигини, паталогик учокнинг жойлашишини, ҳамда паталогик жараённинг прогнозини аниқлаб олади. Акушер гинекологлар кўз тубининг ҳолатига қараб хомиладорликнинг токсикоз жараёнини аниқлаб олади. Туғруқ ёшидаги аёлларда миопия юқори даражаси бўлса кўз тубининг ҳолати, кесаркесиш оперциясига кўрсатма борлиги ёки йўқлигини аниқлаб беради. Офтальмоскопия қилганда айрим ҳолатларда касалликларнинг дифференциал диагностика қилишда офтальмологдан жуда катта жавобгарлик хиссини уйғотади. Агар мабодо дифференциал диагноз қилишда шубҳа уйғотса ва клиник белгилар етарли бўлмаса беморга қушимча текшириш усулларини ўтказамиз (Оптик когерентли томография (ОСТ), фундус камера, кўзни Ультра товушли текширув (УТТ) билан текшириш, компьютерли томография-КТ). Бу қулланма офтальмоскопиянинг техникаси кўрсатмалари ҳамда кўп касалликларни кўз тубига қараб аниқлашда қул келади деб умид қиламиз.

Тўр парда (*retina*) –ички парда, миянинг кулранг пардасининг давомидир. Тўр парданинг кўриш қобилиятига эга ва кўриш қобилиятига эга бўлмаган қисмлардан ташкил топган. Улар орасидаги чегара тишсимон чизик (*ora serrata*) тузилиши ҳамма жойда бир хил эмас. Унда 3 та нейронлар бор:

1–ташки фото рецепторлар (колбачалар ва таёқчалар),

2–ўрта биполяр,

3–ички мультиполяр хужайралар.

Энг қалин жойи 0,15 мм 0,4 мм кўриш нерви диски ёнида. Энг юпқа жойи тўр парданинг сарик доғ соҳасида. Кўриш сезгиларини энг яхши қабул қиладиган жойи–марказий чуқурчаси (*fovea centralis*). Тўр парда гистологик жиҳатдан 10 қаватдан иборат (1-расм).



1- Расм. Тўр парданинг нейронларини.

Колбачалар тўр парданинг марказида жойлашган, уларнинг юзасида йодопсин пигменти мавжуд. Уларнинг миқдори 7–8 млн. Таркибида лютенин пигменти бор ранг ажратиш ва кўриш ўткирлигини таъминлайди.

Таёқчалар тўр парданинг перифериясида жойлашган, уларнинг юзасида родопсин пигменти мавжуд. Уларнинг миқдори 130–180 млн. Периферик кўриш ва қоронғуда кўришни



таминлайди. Кўз ўсиши билан тўр парданинг тузилиши ҳам ўзгариб боради.

Кўриш нервининг диски тўр парданинг 3–нейронидан ҳосил бўлади. Юмалок шаклда бўлиб, кулранг оч қизил рангда, болаларда диаметри 0,18 мм, катталарда 2 мм. Тўр парда гистологик жihatдан 10 қаватдан ташкил топган.

**1–пигментли эпителия** анатомик жihatдан хориоидсанинг шишасимон пластинкаси билан каттик ёпишган, генетик жihatдан у тўр пардага хосдир. Бу ерда 6 қиррали призма шаклдаги эпителиялар бир қаторда жойлашган, уларда фуцин пигменти бор, макуляр сохадаги эпителиал хужайраларда фуциннинг миқдори кўпроқ. Уларнинг ички юзасидан ўсимталар чиқади ва улар таёкча ва колбочалар орасига киради. Бу боғлиқлик мустаҳкам эмас ва тўр парда кучиш вақтида енгилгина ажралади. Бу эпителиал хужайралар гематотўр пардал бариер вазифасини бажариб, хориотўр пардал қатламдан субтўр пардал бушликка суюқликни утишига тускинлик қилади. Эпителиал хужайралар фоторецепторлар ажралган қисмларни фагоцитоз қилади ва уларни янгиланишида катта аҳамиятга эга. Моддалар алмашинувида қатнашади, кислород, тузлар, метоболитлар, озик моддаларни хусусий томирли қаватдан фоторецепторларга ўтказади ва фоторецепторларда хусусий томирли қаватга ўтказади. Тўр парданинг антиоксидант химоя ҳамда суюқликни фаол равишда суб тўр пардал бушлиқдан чиқариб ташлайди. Эпителиал хужайралар ёруғликни ютади ва уни асаб кўзғалишига айлантиради.

**2–таёкчалар ва колбочалар қатлами.** Колбочалар 7–8 миллион, тўр парданинг марказида фақат колбочалар жойлашган, перифериясида колбачалар йук. Периферияда таёкчалар жойлашган. Колбочалар кўриш ўткирлиги ва ранг ажратишни таъминлаб беради–**марказий кўриш**. Таёкчалар эса кўриш майдони ва қоронғиликка мослашини таминлайди–**периферик кўриш**.

**3–ташки чегараловчи мембрана.** Улар Мюллер толаларнинг охиридан ҳосил бўлади. Тўр парданинг таянч элементи ҳисобланади. Бу қатлам орқали таёкча ва колбачалар ўсимтачалари ўтади. Қатлам жуда нозик, юпка ва тиникдир.

**4–ташки ядроли қават.** Бу қатлам фоторецепторларнинг ядросидан ҳосил бўлган. Бу ерда нейроэпителиал тугайди.

## КЎЗ ТУБИНИНГ КЛИНИК ВА ДИАГНОСТИК АҲАМИЯТИ

**5—ташки тўрсимон қават.** Шу қатламдан тўр парданинг мияли қавати бошланади. Бу қаватда фоторецепторлар биполяр хужайралар билан учрашади. Фовеал сохада бу қават йук. Шунинг учун ретиношизисларда тўр парда қатламларга ажралади.

**6—ички ядроли қават.** Бу ерда тўр парданинг иккинчи нейрони бошланади ва у биполяр хужайралардан иборат. Бир биполяр хужайра битта ёки бир нечта колбачалар билан (1 дан 30 гача) ёки бир неча юзлаб таёкчалар билан (500 гача) контакт қила олади.

**7—ички тўрсимон қават.** У нейронларнинг бир бирови билан уралашиб ёки ажралишидан ҳосил бўлади. Бу қаватда тўр парданинг иккинчи нейрони тугайди. Бу қатлам тўр парданинг ички томирли қаватини ташки томирсиз қаватидан чегаралайди.


**8 – ганглиоз хужайралар қавати.** Бу ердан тўр парданинг 3 – нейрони бошланади қатламнинг қалинлиги марказдан периферияга қараб юпқалашади. Марказий чуқурча соҳасида 5 қават ганглиоз хужайралар қолади, бу сохада ҳар бир фоторецептор туғридан туғри биполяр ва ганглиоз хужайралар билан алоқа қилади. Бу зонадан ташқарида битта ганглиоз хужайра бир гуруҳ биполяр хужайралар билан. Бир биполяр хужайра бир неча таёкча ва колбачалар билан алоқа қилади.

**9—нерв толаларнинг қавати.** Ганглиоз хужайраларнинг аксонларидан ташкил топган, миелин қобиғи йук ва бу тўр парданинг тиниклигини таъминлайди. Склеранинг ғалвирсимон пластинкасидан ўта тўриб нерв толалари миелин қобиғи билан уралади ва кўрув нервини ҳосил қилади. Фовеал соҳасидан борадиган ганглиоз хужайраларнинг нерв толалари папиломакуляр нерв тўтамини ҳосил қилади.

**10 – ички чегараловчи мембрана.** Юпқа, тиник, Мюллер толаларидан ташкил топган ва нейроғлия хужайралари дейилади. Бу қатлам кўз тубини ҳамма жойини қамраб олади. Тўр пардани шишасимон танадан ажратади.

**Тўр парданинг қон билан таъминланиши;** (2-расм) озиқланиши икки манбанинг ҳисобидан юзага келади ташки нейроэпителлиал қатлам хусусий томирли қават ҳисобидан, ички мияли қавати тўр парданинг марказий артериясининг ҳисобидан, у эса кўз артериясининг тармоғи (*a.ophthalmica*) ҳамда хусусий томирли парда ҳисобидан. Кўриш нерви тўр пардани бош мия

билан боғлайди. Унинг таркибида 1 млн толалар бор. Дискнинг ўртасида оқишрок рангда воронкасимон чуқурлик болаларда экскавация, у кам билинади.



2-расм. Тўр парданинг қон билан таъминланиши.

Кўриш нервининг диски соҳасида фоторецепторлар йўқ, кўз тубининг “кўр” зонаси ҳисобланади.

Кўриш нерви 4 қисмдан иборат: кўзни ичидаги, кўз қосасидаги (3 см), каналчалар ичидаги (1 см), калла суяги ичидаги (1.5 см). Тўрк эгари соҳасида кўрув нерви ички толалари Х шаклида (*chiasma opticus*) кесишади, кейин кўриш тракти (*tractus opticus*) у пўстлоқ ости кўриш марказларигача боради.

Бу ерда кўриш нервининг периферик қисми тамом бўлади. Пўстлоқ ости кўриш марказидан кўриш анализаторининг марказий қисми бошланади.

Грациоло боғлами, куш панжасига ўхшаган эгатча (*sulcus calcarinus*) то ички капсулагача (*capsula interna*) боради, у кўриш анализаторининг марказий қисми ҳисобланади – анализ ва синтез бўлади.


Кўз ичидаги тиник муҳитларига – кўз ичидаги суюқликлар, гавҳар ва шишасимон тана киради. Кўзда 2 та камера мавжуд; олдинги ва орқа камера. Унинг ичида тиник суюқлик бор. Нур синдириш кучи 1,33 D. Бу суюқлик киприксимон тана томонидан ишлаб чиқарилади, таркибида озик моддалар мавжуд.

Хусусий томирли парда (*chorioidea*) – қалинлиги 0,3–0,4 мм га тенг, склеранинг остида жойлашган бўлиб, кўзнинг томирсиз структураларини озик моддалар билан таъминловчи бўлиб хизмат қилади, кўриш актида қатнашади. Тўр пардани орқа томондан ураб

## КЎЗ ТУБИНИНГ КЛИНИК ВА ДИАГНОСТИК АҲАМИЯТИ

тўради ва унинг озикланишида катта аҳамиятга эга. Хориоидеа склера билан фақат кўрув нервнинг чиқиш жойида қаттиқ боғланган, қолган сохаларида заиф жойлашган. Кўрув нервнинг чиқиш соҳасига 2–3 м етмасдан тешик ҳосил қилади, кўрув нервнинг чиқиб кетиши учун. Шунинг учун патологик ҳолатларда, масалан тўр парданинг кучишида хориоидеа эркин ва енгил ҳолда склерадан ажралади, фақат орқа булимлари бундан мустасно. Бу ерда қон томирларнинг шохлари склера билан қаттиқ ёпишади ва кучишини олдини олади.

Қон билан таъминланиши—орқа кичрик артериялари ҳисобидан. Хусусий томир парда таркибида пигмент хужайралари хромотофор (меланобластлар) мавжуд, унинг таркибида пигментлар бор ва у хориоидеага қора ранг беради. Шу билан биргаликда хусусий томирли пардада пигментлардан ташқари жудаям кўп микдорда қон томирлар мавжуд. Хориоидеада қон микдори 4 томчигача тенг бўлади. Бу пардада трофик нервлар бор, сезувчи нерв толалари йўқ. Шунинг учун яллиғланиш касалликлари оғриксиз кечади. Хориоидеадан қоннинг чиқиб кетиши варикоз веналар орқали чиқиб кетади ва бу қоннинг чиқиб кетиш тезлигини секинлаштиради, шунинг учун кўп ҳолатларда йирингли жараёнлар хориоидеада чуқмалар ҳосил қилади — метастатик хориодитлар (бруцелез, токсоплазмоз, ревматизм, туберкулез, TORCH инфекциялар). Хориоидеа суюқликларни юқори ўтказиш (перфузия) хусусиятига эга. Вена қон томирларда жудаям кўп микдорда кислород мавжуд. (3 – расм)



3-расм. Хориоидеанин қон билан таъминланиши.


Гистологик жихатдан хориоидеа шартли равишда 5 каватдан ташкил топган (4 – расм):

- 1–супрохороидал кават,
- 2–катта қон томирлар қавати,
- 3–ўрта ва кичик қон томирлар қавати,
- 4–хориокапиллярлар қавати,
- 5–шишасимон тана пластинкаси.



4 – расм. Хориоидеанинг гистологик каватлари

**Шишасимон тана**–(*corpus vitreum*)–шишасимон тан кўз олманинг 55% хажмини ташкил этади. Унинг микдори ўртача 4 мл га тенг. Шишасимон тана тиник, рангсиз, гелсимон модда бўлиб, кўз олмасининг бушлиғини тулдириб тўради, максимал гидротация ҳолатига эга (5–расм).



5 - расм. Шишасимон тана

Чегаралари олд томондан – гавхарнинг орқа капсуласи, цинн бойламлари ҳамда киприксимон тананинг киприклари. Орқа томондан-тўр парда билан чегараланган, шишасимон тана биринчи ёпишган жойи бу кўрув нервининг диск соҳаси ҳисобланади. Иккинчи ёпишган жойи бу тишсимон чизиқ соҳаси ҳисобланади, яъни киприксимон тананинг ясси қисмида яхшироқ ёпишган. Бу жойни эни 2 – 2,5 мм га тенг бўлиб, шакли белбоғни эслатади, шишасимон тананинг асоси (базис) ҳисобланади. Шишасимон тананинг учинчи ёпишган жойи гавхарнинг орқа капсуласи ҳисобланади (гиалоид гавхар айлана бойлами ёки Вигера бойлами), бу бойлам ретролентал бушликни чегаралайди ва гавхарни симметрик ҳолатда ушлаб тўради. Бундан ташқари айрим жойларда шишасимон тана хориоидеа ва тўр парда билан чегараланган ҳолатда ёпишган ва бу Тўрпарданинг тракцияси ва кучишига сабаб бўлади. Шишасимон тана таркиби – 98 % сув, оз миқдорда оксил ва тузлардан ташкил топган. У тиниқ, рангсиз, шарсимон, эластик, қон томирлар ва нервлар йўқ. Шишасимон тана кўз олмасига таянч тўқима ҳисобланади. У тиниқ, нурларни ўтказди ва синдиради. Шишасимон танада қон томирлар ва асаб толалари йўқ. Шишасимон тананинг ташқи чегараловчи мембранаси ярим ўтказувчан хусусиятга эга. Шунинг учун у озик моддаларни кўз ички суюқлигидан олади. Шишасимон танада суюқлик доимо ҳаракатланади, у киприксимон танадан шишасимон тананинг асосига ўтади ва бир қисми орқага ҳаракат қилиб кўрув нервининг переваскуляр бушлиғидан чиқиб кетади ва бу шишасимон тананинг ичида суюқлик тупланмаслигини таъминлайди. Бир суткада шишасимон тана орқали 0,25 л суюқлик алмашади. Шишасимон тананинг йуқотилиши тикланмади ва унинг урни кўз ички суюқлиги ҳисобига тулдирилади.

Кўз ичидаги суюқлик таркибида 99 % сув, оксиллар (альбуминлар), глюкоза, витамин В<sub>1</sub> ва В<sub>2</sub>, С, протеолитик ферментлар, натрий, калий, кальций, магний, рух, мис, фосфор ва бошқалар. Миқдори – 0,2 см<sup>3</sup> – 0,45 см<sup>3</sup> Солиштирама оғирлиги 1,0036 га тенг, синдириш коэффициенти – 1,33.

#### **Вазифаси;**

1) кўзга шакл беради, кўз ички босимини бир меъёрда ушлаб тўради,

- 2) нур ўтказди ва синдиради, нур синдириш кучи ўртача 1,33 D.ни ташкил этади.
- 3) Тўргор ва амортизатор.
- 4) Кўз ичи моддалари алмашинувида иштирок этади.
- 5) Тўр парда ва томирли парда контактини таъминлаб беради.

Юқори даражали миопияларда кўзнинг олдинги орка ўқи узаяди натижада кўз олмасининг қаватлари тортилади, бу ўз навбатида хориоидеа ва тўр парданинг чузилишига олиб келади. Склеранинг чузилиши натижасида хориоидеа чузилади, сийраклашади, юпқалашади ва унинг тўқимаси атрофияга учрайди, аста секинлик билан кичик ва ўрта кон томирли қаватлар йуқолади, Тўр парданинг ташки қаватларнинг озикланиши бузилади. Кўз туби даставвал паркет ва кейинчалик миопиянинг ўсиши билан биргаликда альбиотик шаклга, яъни хориоидеа кон томирларнинг камайиши кўзатилади. Тўр парданинг кон томирларнинг ўзгариши натижасида, унинг ички қаватларда ҳам дистрофия юзага келади. Аста секинлик билан тўр парда юпқалашади тешиқлар ва йиртиқлар пайдо бўлади. Шишасимон танада ҳам юқори даражали миопияларда дистрофик ўзгаришлар кўзатилади, суюқлашади, унинг толалари узилади ва ипсимон деструкция кўзатилади. Шишасимон тананинг ичида бушлиқлар пайдо булади ва чегараловчи мембраналар жойидан кучади. Шишасимон тананинг деструкцияси миопиянинг даражаси ва ўсиш градиенти билан боғлиқ. Ёш улғайган сари хориоидеада кон томирлар сони камаяди, склерозга учрайди ва депигментация кўзатилади. Бу ўзгаришлар тўр парданинг перепопилляр ҳамда Тўр парданинг перифериясида кўпроқ учрайди. Тўр парданинг қариши депигментация билан бошланади ва кўпроқ макуляр сохасида кичкина друзлар ҳосил булади, тўр парданинг энг перифериясида кисталар учрайди.

II БОБ. ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ

Кўз тубида патологияси бор беморни текшириш усулларни бошлашдан аввал беморнинг шикоятлари, касаллик анамнези бошқа ҳамкор касалликлари ва оила анимнези билан обдон танишиш керак. Олинган маълумотлар бизга текшириш усулларини тўғри танлаш ва ташхис қўйишда ёрдам беради.

Тўр парда ва хориоидеада сезувчи нервлар йуклиги сабаб уларнинг касалликларида беморлар оғрик сезмайди.

Шикоятлар кўпинча патологик жараённинг жойлашган жойи ва тарқалганлигига боғлиқ. Патологик жараён локолизацияси кўз тубининг централ соҳасида бўлса, у ҳолда кўришнинг централ характердаги хиралиги, ранг сезишнинг бузилиши, кўриш майдонининг дефекти (скатома) кўринишида кечади; патологик жараён кўз тубининг перифериясида бўлса, у ҳолда кўриш майдонининг торайиши, скотома пайдо бўлиши, қоронғида кўришнинг бузилиши (қоронғида адаптациянинг бузилиши - «шаб кўрлик», гемеролопия).

Бемор кўз олдида «парда» ёки «пеленка» борлиги макропсия, тўр парда кучишининг тасдиқловчи шикоятлар ҳисобланади. Тўр пардадаги йиртилиш ёки кучишнинг локолизациясига қараб (тепада ёки пастда) тўр парда олдидаги «парда» эрталаб тушакдан тўрганида кучаяди ёки кечкурун горизантал ҳолатга ўтиш ҳисобига камаяди. Юқоридаги субъектив симптомларга «учқун учиши ва чакмоқ чақиши» (фотопсия) хисси, предметларнинг қийшайиши (метоморфопсия) ва шишасимон танада сузиб юривчи хираликнинг (деструкция) пайдо бўлиши ҳамроҳлик қилади. Тўр парданинг кучиши централ соҳани қамраб олса кўришнинг пасайиши кўзатилади. Шу билан биргаликда бемор билан суҳбат қилаётиб қуйдагиларга эътибор қилиш лозим, беморда миопия касаллиги борлиги, бемор кўзидан, бошидан ва бутун танасида жароҳат оғанлиги, шу билан бирга хаддан ташқари физик зуриқишлар ва оила аъзоларида тўр парда кучиш касаллиги бор йуклигини аниқлаш лозим.

Тусатдан кўришнинг пасайиши томирли парда «фалокатларига» хос ҳисобланади. Тўр пардада централ артериянинг ўқазувчанлигининг ўткир бузилишида, беморлар шикастланган кўзнинг кўришнинг кескин пасайишига ёки қурликга шикоят



килади, артерия шохаларининг шикастланишида эса кўриш майдонининг секторал пасайишига шикоят килади. Анамнез йиғиш вақтида эътиборни беморларда юрак қон томир касалликлари борлиги (эндокардит, юрак пароклари) сурункали юкумли касалликлар, антифосфолипид синдроми, узун трубкасимон суякларнинг синиши ҳамда хирургик манипуляцияларнинг борлигини аниқлаб оламиз. Тўр парда марказий венасининг тромбозида бемор кўриш ўткирлигини бир кўзида бирданига пасайишига кўз олдида алангасимон учқунлар пайдо бўлишига, кўз олдида туман пайдо бўлишига шикоят килади. Тўр парданинг марказий венасининг тромбози кўп ҳолатларда қари кишиларда, гипертония касалликларда, қандли диабет, атеросклероз қон касалликлари (полицитемия, лейкоз, анемия) билан касалланган беморларда кўзатилади. Тўр парданинг дистрофиясида беморларнинг шикоятлари унинг локализацияси билан боғлиқ. Фотопсия, метоморфопсия, кўриш ўткирлигининг пасайиши тўр парданинг марказий сохаларнинг дегенерациясидан далолат беради. Тўр парданинг периферик дегенерациясида беморлар қора доғларнинг пайдо бўлишига, сузиб юривчи хираликларга, фотопсияларга шикоят килади. Бу ҳолатларда оилавий анамнезга эътибор бериш керак, агар қариндошлар орасида тўр парда кучиши ва тўр парда дегенерацияси кўзатилса у ҳолда беморни синчиклаб текшириш керак. Тўр парданинг пигментли дистрофиясида беморларнинг кечкурунда кўра олмаслик (гемеролопия). Кўриш майдонининг торайишига, хатто тўрубкасимон ҳолатга келиши мумкин, беморнинг ташқи муҳитга адаптацияси бузилади, тўр пардада қон қуйилишлар преретинал, ретинал, субретинал ва хориоедал тўрларга булинади. Беморларнинг шикоятлари қон қуйилиш локализациясига боғлиқ. Беморларда кўриш ўткирлигининг пасайиши, кўриш майдонининг торайиши, мутлоқ ва нисбий, централ, парацентрал ва периферик скотомалар кўзатилади. Кўрув нерви касалликларида беморнинг шикоятлари унинг жойлашган жойига боғлиқ. Агар кўрув нервнинг кўз ички қисми зарарланса у ҳолда беморларнинг кўриш ўткирлигининг кескин ва жудаям пасайишига шикоят килади. Агар кўрув нерв тулик зарарланса кўриш ўткирлиги жудаям пасаяди ва хатоки курликга олиб келиши мумкин. Ундан ташқари централ ва парацентрал скотомалар, қоронгуликга мослашишнинг бузилиши ва ранг


## КЎЗ ТУБИНИНГ КЛИНИК ВА ДИАГНОСТИК АҲАМИЯТИ

ажратишнинг қобилиятининг бузилиши кўзатилади. Агар кўрув нервнинг ретробульбар қисми яллиғланса кўз олмани ҳаракати вақтида оғрик пайдо булади, ранг ажратиш қобилияти бузилади. Беморлар билан суҳбат қилганда уларнинг ҳаёт анмнезига эътибор бериш керак, ирсий мойиллик ҳамда ҳамроҳ касалликлар: қандли диабет, моддалар амашинувининг бузилиши касалликлари, гипертоник касалликлари, атеросклероз, бош мия яллиғланиш касалликлари (менингит, энцефалит, аббцес), асаб системасининг демиелинизация билан ўтадиган касалликлар (таркок склероз), ўткир ва суринкали инфекциялар (грипп, оспа, герпес, одам иммун танқислик синдроми), фокал инфекциялар (кариес, синуситлар, гижжалар). Радиация интоксикация ҳамда касбий зарарли омиллар, аллергия касалликлар ва зарарли одатларнинг ролига аҳамият бериш керак. Анамнезни йиғиш вақтида кўрув аъзоларни аввал яллиғланиш касаллиги ўтказганлиги ва жароҳат олганлигига урғу берилади. Объектив текширганда кўзнинг тиник муҳитларнинг тиниклигини офтальмоскоп, линзалар ҳамда тирқишли лампалар билан текширилади. Тиник муҳитларнинг жуда кичик нуқсонлари ҳам кўз тубини текширишда ҳалақит беради. Кўриш ўткирлигининг коррекциясиз ва коррекция билан аниқлаб оламиз, рефракция аниқланади. Кўп ҳолатларда рефракцион аномалияларда кўз тубида ўзгаришлар кўзатилади. Масалан гиперметропиянинг юқори даражасида кўрув нерв диски кизаради, гиперемиялашади, “ёлғондакам неврит” кўзатилади. Керак бўлганда кўзнинг бошқа функциялари ҳам текширилади: кўриш майдони, ёруғликни сезиш, ранг ажратиш, бинокуляр кўриш. Кейин кўз тубини текширишга ўтамиз.

### КЎЗ ТУБИНИ ТЕКШИРИШ

**Офтальмоскопия.** Кўз тубини текшириш аввал қорачиқни кенгайтирмасдан текширилади. Агар беморда кўз тубининг патологик учоклар аниқланса, у ҳолда қорачиқлар медикаментлар ёрдамида кенгайтрилади. Қорачиқнинг кенгайиши мидриаз дейилади. Қорачиқни кенгайишига олиб келадиган дори-дармонларни мидриатиклар дейилади. Мидриатикларга қуйидаги дорилар киради: мидриацил, тропокамид, цикломед, ирифрин, мезатон, айтроп, атропин, поматропин ва адреналин. Мидриаздан олдин 40 ёшдан ошган беморларни

текширилади. Мидриазга карши кўрсатмаларига глаукоманинг ёпик бурчакли формаси, ҳамда кўз ички босимининг 26 мм Нg устунидан баландлиги ҳисоблади. Офтальмоскопия 2 йул билан ўтказилади: туғридан туғри ва тескари офтальмоскопия. Тескари офтальмоскопия учун 150–200 Вт ли тиниқ колбали лампа ишлатилади, лед лампалар офтальмоскопия учун ишлатилмайди. Офтальмоскопия маълум кетма–кетликда ўтказилади. Бунда кўз туби марказдан периферияга қараб ҳамма жойи қамраб олинади ва уни патологик учоқларни қоғозга чизиб хар хил белгилар билан белгиланади, меридианалар 360 ° да соат циферблат асосида белгилаб олинади. Бошидан кўз туби умумий фонда баҳоланади, кейин кўрув нерв диски ҳолати, макуляр зона (сарик доғ соҳаси) ва охирида тўр парда периферияси баҳоланади. Кўз тубини шартли равишда 4 та квадратга бўламиз: юқори ташқи, юқори ички, пастки ташқи, пастки ички. Бундан ташқари кўз тубида 3 та соҳа текширилади: яқин соҳа (орқа кутуб) – сарик доғнинг марказий чуқурчасидан 30° гача, урта соҳа (экваториал) – яқин соҳадан 60° атрофида жойлашган халқа ва периферик соҳа – Тўр парданинг қолган соҳалари (6-расм).



6- расм. Кўз тубининг шартли 4 квадратининг кўриниши.


Кўз тубининг чегараси тишли чизиқ ҳисобланади, у тўр парданинг кўриш қобилиятига эга бўлган қисмини кўриш қобилиятига эга булмаган қисмидан ажратади.

### **КЎЗ ТУБИНИНГ НОРМАЛ ОФТАЛЬМОСКОПИК ҲОЛАТИ**

**Кўз тубининг ранги.** Тўр парда нормада тиниқ, кўз тубининг қизил ранги тўр пардада жойлашган пигмент эпителияларнинг рангига яъни хромотофорга боғлиқ, ҳамда тўр парда орқали хусусий томирли парданинг қон томирларининг кўринишига боғлиқ.

Кўз тубида 3 хил рангли пигментация тафовуд килинади.

1) Нормал – Тўр парда бир текисликда пигментациялашган ва хориоидеанинг қон томирлари у орқали куринади (7 - расм).



7 - расм Нормал тўр парда

2) паркет-хориоидеанинг стромасида пигментлари хаддан зиёд бўлганлиги учун хориоидеанинг интерваскуляр мухити алохида ажралиб куринади (8 – расм).



8 - расм. Паркетли тўр парда

3) альбенотик – Тўр парда ва хусусий томирли пардада деярли пигментлар йуқ, хориоидеанинг қон томирлари тўр парда орқали куринади, улар нисбатан шаффоф склера фонида оч – қизғиш ранга эга бўлиб куринади (9-расм).



9-расм. Альбеноттик тур парда

### КЎРУВ НЕРВИ ДИСКИ

Бу кўрув нервнинг интраокуляр қисми ҳисобланиб, унинг узунлиги 1-3мм га тенг. Кўрув нерв диски кўзнинг орқа кутбидан 3 мм ичкарига ва 1 мм горизонтал меридианадан пастроқда жойлашган. Кўрув нервнинг дискини ҳолатини баҳолашда унинг ранги, хажми, шакли, чегараси, атроф тўқимагаларга нисбаттан жойлашиши ва эксковация борлигига ва даражасига эътибор берамиз. Кўрув нерви дискининг шакли юмалок ёки овалсимон, вертикал улчами горизонтал улчамидан каттарок.

Кўрув нерви дискининг ранги оч-қизғиш ёки сарик-қизғиш тусга эга бўлиб, бурун томон ранги бироз тукрок, нима деганда у томонда нерв толаларнинг миқдори чакка томонга нисбатан кўпроқ. Кўрув нерв диск атрофида пигментларнинг тупланиши халқа ва ярим халқа шаклида кўринида. Айрим ҳолатларда нормада кўрув нерви окроқ агар унга тегишли бўлган қон томирлар чуқурроқ жойлашган бўлса, айрим ҳолатларда қизаргандек кўринади. Гавхарнинг тиниқлигининг бузилишида, яъни етилмаган катаракталарда кўрув нерви дискининг горизонтал улчами 1,76 мм га вертикал улчами 1,9 мм га тенг. унинг умумий маҳохати 1,9 дан – 2,8 мм<sup>2</sup>, дискининг улчамгага қараб кичик размерли дисклар майдони 1,5 мм<sup>2</sup> дан камроқ, урта улчамли – 1,5мм<sup>2</sup> - 2,5 мм<sup>2</sup> гача, ҳамда катта улчамдаги дисклар майдони 2,5 мм<sup>2</sup> киради. Кўрув нерв дискининг – чегараси аниқ, оқ склерал ва қора хориоидеал халқа ва конус билан уралган бўлиши мумкин. Усувчи миопияларда конус хориоидеанинг атрафияси ҳисобидан катталашади чегараси

ноаниқ бўлиб қолади. Атрофия дискнинг чакка томонида кўпроқ булади, хажми катталашади, айланасига дискни ураб олади, (перепапилляр ва юкстопапилляр) атрофия кўзатилади ва уни хақиқий стафиломадан (кўз олмасининг деворининг ташқарига деформацияси) фарқлаш зарур. Перепопилляр атрофиялар ва хақиқий стафиломалар миопик касалликнинг оғирлигидан далолат беради, кўрув нервининг чегараларнинг ноаниқлиги айрим ҳолатларда диск ва унинг атрофдаги тўқимагалар ранги контрасти пастлигининг натижасида юзага келади ва бу норма ҳисобланади. Кўрув нерв дискининг баландлиги атрофдаги тўқимагалар яъни тўр парданинг баландлиги билан бир текисда булади (10 - расм).



10 - расм. Кўрув нервни диски

**Кўрув нервни дискининг физиологик эксковацияси.** Кўрув нервни дискининг марказида чуқурча бор, қон томирлар воронкаси ёки физиологик эксковация дейилади. У кўрув нерв толаларининг тўр парда тўқимагасидан пастрокка яқинлашиши натижасида ҳосил бўлади. Бу жой тўр парда марказий артерияси кириш жойи ҳисобланади. Тўр парда марказий артериаси (a. Centralis retina) кўз артерияси (a. ophthalmica) тармоғи ҳисобланади. Бу жойдан тўр парда марказий венаси чиқади. Айрим ҳолатларда кўрув нервни диски эксковацияси йуқ булади унинг урнини гилиал ва бриктирувчи тўқимага эгаллайди (Кунт мениски). Диск эксковациясини баҳолашда унинг улчами, чуқурлиги ва жойлашувига эътибор берамиз. Нормал ҳолатда иккала кўзларнинг дискнинг физиологик эксковацияси бир бирига тенг булади яъни симметрик. Физиологик эксковациясини улчамларини баҳолашда унинг кўрув нервни диски билан нисбати ўрганилади. Одатда физиологик эксковация горизантал овал шаклга эга: горизантал диаметри вертикал диаметридан узинроқ. Эксковациянинг дискга

нисбати 0,3 мм гача бўлса нормал ҳисобланади, катта ёшдаги одамларда (50 ёшдан юқори) 0,4 дан 0,6 гача бўлиши мумкин. чуқурлигига қараб физиологик экскавация майда, урта ва чуқур бўлиши мумкин. Физиологик экскавация кўрув нерви дескиннинг уртасида жойлашган ва бироз чакка томонга силжиган. Диск ва экскавация чегарасини нейроретинал халка ажратиб туради. Диск қанча катта бўлса, экскавация ва диск нисбати (Э/Д) ҳам катта булади. Катта экскавация катта дискларда физиологик ҳисобланади ва шу билан биргаликда кичкина экскавация кичкина дискларда глаукома белгиси бўлиши мумкин. Бу ҳолатларда ташхислашга қийинчилик туғдиради (11-расм).



11-расм. Кўрув нерви дескиннинг физиологик экскавацияси

**Тўр парда қон томирлари.** Кўрув нерви диски уртасига тўр парда марказий артерияси (ТМА) киради ва у оқали тўр парда марказий венаси (ТМВ) чиқади. Улар юқори ва пастги тармоқларга булинади ва 2 та қон томир тўтамани ҳосил қилади уз навбатида юқори ва пастки қон томирлар ва чакка ва бурун тармоқларига булинади ва кўз тубини 4 квадратини қон билан тامينлайди. Артериялар сарғиш кизил тусга эга, веналар эса қуқимтир ва гилос рангига ухшайди. Катталарда биринчи тартибдаги артерияларнинг диаметри 80 мк га тенг, веналарнинг диаметри 120 мк га тенг, улар уртасидаги нисбат 2: 3га тенг, 10 ёшгача бўлган болларда артерия ва веналар уртасидаги мўтаносиблик 1:2 га тенг. Қон томирлар ўткир бурчак Остида булинади. Биринчи булинишига қадар қон томирлар 1 – тартибдаги қон томирлар ҳисобланади. Биринчи булинишдан иккинчи булинишгача бўлган қон томирлар 2 – тартибдаги қон томирлар деб ҳисобланади. Бир хил тартибдаги қон томирлар узаро солиштирилади. Агар қон томирлар бир тартибда булинмаса у ҳолда уларни солиштириш қийинлашади. Юқори даражали миопияларда қон томирлар тор қуриниши мумкин, бу

## КЎЗ ТУБИНИНГ КЛИНИК ВА ДИАГНОСТИК АҲАМИЯТИ

миопияда оптик мухитининг хусусиятига яъни манфий линзалар таъсуротини берганлиги учун кўзатилади. Артерия деворлари таранг тортганлиги ва кавариклиги учун ҳамда унинг деворлари шаффофлиги учун, унинг ичидаги қон ҳисобидан қизил рефлекс кўринади ва у қон томирларнинг  $\frac{1}{4}$  ва  $\frac{1}{3}$  диаметрини ҳосил қилади. Веналар ичидаги босим пастлиги учун унинг деворлари ясси булади, шунинг учун рефлекс қуринмайди. Веналардан рефлекс пайдо бўлиши бу веналар ичидаги димланишидан далолат беради. Соғлом одамларда тўр парданинг узига яраша релекси бор. Одам қанча ёш бўлса шунча рефлекс яхшироқ қуринилади. Тўр парданинг рефлексининг йуқолиши ва аксинча нормадан ошиши тўр парданинг шишларида кўзатилади. Бу кўп ҳолатларда қандли диабет касаллигда учрайди. Соғлом одамларда тўр парда қон томирларнинг эгрилиги артерия ва веналарда бир хил ривожланган улар бир бирови билан кесишганда қон томирларнинг йуналиши ва калибрлари узгармайди.

**Макула соҳаси (macula)** ёки сарик доғ (12-расм). Бу соҳани сарик рангда бўлганлиги ундаги липофусцин пигменти билан боғлиқ ва рангсиз офтальмохромоскопия усулида кўриш мумкин.



12-расм. Макула (macula)

Макула кўз тубининг марказида жойлашган бўлиб, у КНД дан  $15^\circ$  ташқари ва  $30^\circ$  пастга жойлашган. У горизантал овал шаклига эга бўлиб, унинг улчамлари горизантал меридиана бўйлаб 1,5–2,0 ДР ва верикал меридиана бўйлаб 1,0–1,5 ДР тенг. Макуланинг диаметри 5 мм га тенг. Оддий офтальмоскопия қилганда макула соҳасининг пигментларнинг кўплиги учун ранги бироз тўқроқ, тўр парданинг бошқа соҳаларига нисбатан. Сарик доғ қирғоқларида макуляр ёруғлик рефлекси бор. Бу зонада тўр парда роликсимон



юпқалашади, биполяр ва ганглиоз хужайраларнинг макула кирғокларига силжиши ҳисобидан. Макуланинг уртасида чуқурча – фовеа диаметри 1,5 мм га тенг (1 ДР). Фовеанинг марказий қисмида яна битта чуқурча жойлашган – фовеола диаметри 0,35 мм га тенг. Бу сохада тўр парда жудаям юпқалашган ва фақат колбочкалар сақланиб қолади ва бунинг ҳисобига чуқур фовеал рефлекс юзага келади худди қудуқ тубидек. Фовеал соҳасининг асосий хусуиятларидан бу, қон томирларнинг йуқлиги. Кўз тубининг периферияси ҳар хил шакл ва катталиқдаги, пунктасимон, штрихсимон, нотекис чизиксимон пигментлар тупланиши кўзатилади. Тўр парданинг бу ерида қоидага кўра қон томирлар йуқ.

### Ўтиб кетувчи ёруғликда текшириш усули

Бу усул билан кўзнинг тиниқ муҳитлари текширилади. Шох парда, гавҳар, шишасимон таналар ўтувчи нурда текширилади. Текшириш усули қоронғу хонада ўтказилиши шарт (12-расм).



12-расм. Ўтиб кетувчи ёруғликда текшириш

Ёруғлик манбаи беморнинг чап, орқа ва кўзининг баландлиги билан бир текисликда жойлаштирилади. Врач беморни рўпарасида ўтириб, офтальмоскоп билан ёруғлик тўтамини бемор кўзига юборади. Агар кўзнинг оптик муҳитлари тиниқ бўлса, офтальмоскопнинг тешиги орқали бир текис қизил ёруғлик (рефлекс) кўринади. Агар оптик муҳитларда хиралик бўлса, ҳар хил шакл ва катталиқдаги қора доғлар кўринади. Гавҳарнинг орқа қаватларида жойлашган хираликлар кўзнинг ҳаракатида тесқари томонга силжийди. Шишасимон танандаги хираликлар қора (тяжи) тортилмалар, паға–паға, парчалар (хлопья)ни эслатади, улар тебранадилар. Гавҳар ва шишасимон тананинг интенсив

## КЎЗ ТУБИНИНГ КЛИНИК ВА ДИАГНОСТИК АҲАМИЯТИ

хираликлариди кўз тубидан рефлекс деярли йук бўлади ва кўз туби кўринмайди.

**Офтальмоскопия.** Кўз тубини текшириш—тўр парда, томирли парда ва кўрув нервининг ҳолатини текширишга имкон беради. Ёруғлик манбаи беморнинг чап, орқа ва кўзининг баландлиги билан бир текисликда жойлаштирилади. Врач беморни рўпарасида ўтириб, офтальмоскоп билан ёруғлик тўтамини бемор кўзига юборади.

Офтальмоскопиянинг тўғри ва тескари усуллари бор. Тескари офтальмоскопияни текширишни ойнали Гельмголц офтальмоскоп ва +13,0 Д, +20.0 Д ли лупалар ёрдамида ўтказилади (13-расм).



13-расм. Офтальмоскоп

Ҳақиқатдан ҳам тескари тасвир бўлади, текширилаётган участка тахминан 4–6 марта катталашади, лупадан олдинда, хавода, 5 – 7 см масофада кўринади (14-расм).



14-расм. Тескари офтальмоскопия.

Кўз тубининг атрофларини кўриш учун корачикни олдиндан 0.5% –1 % ли тропикамид, мидриацил, айтроп эритмалари билан

кенгайтирилади. 40 ёшдан ўтганларни ва анамнездан глаукомаси бор бемор аввал КИБ текширилиб кейин мидриаз қилинади.

Кўз тубининг қизил фонда кўрув нервининг диски оч қизил, сал овал, ўртасида физиологик экскавация, чегаралари аниқ ҳолда кўринади. Тўр парданинг марказидаги сарик доғ энг муҳим жой ҳисобланади. У қизил овал бўлиб, атрофи макуляр рефлекс билан ўралган, марказида ёруғ нуқта марказий чуқурча бор. Кўз тубини офтальмоскопия қилишда қуйидагиларга риоя қилинади: даставвал кўрув нерви диски соҳаси, кейин эса сарик доғ ва охирида Тўр парда периферияси текширилади. Кўз тубининг ранги ва расми тўр парда ва томирли пардадаги пигментлар миқдорига боғлиқ. Тескари *бинокуляр Скипенс офтальмоскопи* ёрдамида кўз туби 360° гача текширилади.

**Офтальмобиомикроскопия** усули биомикроскоп ёрдамида ҳамда, асферик 60 Д, 78 Д, 90 Д ли лупалар ёрдамида ўтказилади. Офтальмоскопияни *уч ойнали Гольдман линзалари* билан ўтказилса, бу ҳам тескари усул ҳисобланади. Бунда тасвир аниқ ва 10 бараваргача катталаштириб кўрсатилади. Айниқса тўр пардада ўтказиладиган лазер муолажаларида қулай ҳисобланади (15-расм).



15-расм. Офтальмобиомикроскопия

**Тўғри офтальмоскопия:** Кўзни тўла ва пухта текширишга ёрдам беради. Бунинг учун электро офтальмоскопдан фойдаланилади. У тасвирни 13–15 мартагача катталаштиради, қорачикни кенгайтириб кўриш қулайроқ. Кўз туби тасвири аниқ, тўғри кўринади (16-расм).

## КЎЗ ТУБИНИНГ КЛИНИК ВА ДИАГНОСТИК АҲАМИЯТИ




16-расм. Тўғри офтальмоскопия

**Офтальмохромоскопия** – ҳар хил светофилтрлар фонда кўз тубининг ҳолати хақида кўшимча маълумотлар олишга имкон берадиган усул. Оддий офтальмоскопияда аниқлаб бўлмайдиган патологик учокларни аниқ ва равшан кўрсатиб беради (17 –расм).



17 - расм. Офтальмохромоскопия

**Фундус камера (ретиннофот)**–кўз туби ҳолатини расмга олиш имконини беради. Касалликларни тиббий ҳужжатлаштириш ва динамикасини кўзатишда қул келади. (18 –расм).



18 –расм. Фундус камера.

**Биомикроскопия**—бу усул кўзни микроскоп ёрдамида кўриш имконини беради. Болалар кўзини кўриш учун қўл тирқишли лампаси ишлатилади (19–расм).




19 –расм. Биомикроскопия.

Биомикроскопия 5–60 мартагача тасвирни катталаштириб беради. Биомикроскопия ёрдамида оддий кўз билан куринмайдиган кичик ёт жисмларни аниқлашда, локализациясини ва қанчалик чуқур кетганлигини, касаллик ўчоғини аниқ кўриш мумкин.

Айниқса тиниқ мухитлардаги ҳар хил хираликларни дифференциялашда жуда қулай усул ҳисобланади. Ёриқли лампага фотоприставка ва тонометр Гольдман қўйиб, кўз ички босими ўзгаришларини қайд қилиб бориш мумкин. Асферик ва гониолинзалар қўйиб офтальмоскопия ўтказиш имконини ҳам беради.

**Гониоскопия** – гониолинза ёки гониоскопларнинг оптик приборлари ёрдамида олдинги бўшлиқнинг бурчакларини ҳолатини текшириш мумкин. Бу усул тирқишли лампа ёрдамида ўтказилади (20–21-расмлар).




20-расм. Гониоскопия схемаси.




21 – расм. Гониоскопия

## КЎЗ ТУБИНИНГ КЛИНИК ВА ДИАГНОСТИК АҲАМИЯТИ

**Диафаноскопия** – склера орқали ёруғлик тўтами кўз ичига юборилади. Ушбу усул қоронғу хонада ўтказилади. Бу усул билан кўз ичидаги кон куйилишлар (гемофтальм), кўз ички хосилаларни (меланома, ретинобластома) аниқлашда қул келади(22-23-расмлар).



22-расм. Диафаноскопия схемаси.



23-расм. Диафаноскопия

**Рангларни кўриш.** Кўзни рангларни сезиш қобилияти хаётни ҳамма жабхаларида жудаям катта аҳамиятга эга. Рангларни ажратиш одамни дунё қараши, психофизиологик ҳолатини яхшилади ва кайфиятини кўтаради. Рангларни роли кинода, театрда, телевиденияда, тиббиётдан ишлайдиган одамларда жуда муҳим мавқийига эга. Ишлаб чиқариш, транспорт, илмий текширишларда ва жамиятнинг бошқа соҳаларида кўзларни ранг сезиш қобилияти бекиёсдир. Офтальмологияда А.М. Водовозов буйича хромоофтальмоскопия қилинганда кўз тубидаги паталогик учокларни, оддий офтальмокопда куриб бўлмайдиганларни ҳам кўрса бўлади. Ньютон 1666 йилда уч қиррали призма орқали кўс нурларини ўтказа тўриб уни 7 ранга (спектр) айланишини кўзатди: қизил, қизғиш, сарик, яшил, хаво ранг, кук ва бинафша. Кўзнинг рангларни хилма хиллигини аниқлаши, нурларни тўлқин узунлигига боғлик.

*Шартли равишда рангларни 3 гуруҳга бўламиз:*

- 1) узун тўлқинли – қизил ва қизқиш
- 2) ўрта тўлқинли – сарик ва яшил.
- 3) кичик тўлқинли – хаво ранг, кук ва бинафша.

Бизни кўзимиз билан курирмайдиган қизил нурдан юкорисини инфрақизил, кук нурдан пастини ультрабинафша нурлар дейилади. Табиатда учрайдиган нурларни икки гуруҳга бўламиз: ахроматик ва хороматик ранглар. Ахроматик рангларга ок, кора ва кулранг

киради, шу спектрда одамни кўзи 300 гача тонларни фарқлаши мумкин, ахроматик нурлар тон ва тиниклиги билан ажралиб тўради. Хроматик рангларга, қолган 7 та ранглар кирди булар, топи тиниклиги ва туқлиги билан ажралиб тўради, шу спектрда одамни кўзи 700 дан ортиқ тонларни фарқлаш мумкин. Уч компонентли Ломоносов-Юинг-Гелмгольц теория тушунчаси буйича нурларни қабул қиладиган фоторецепторларни 3 хил тўри тафовуд қилади: 1.Тўр фоторецепторлар кўпроқ узун тўлқинли нурлар билан кўзғалади, камроқ ўрта тўлқинли нурлар билан ва ундан ҳам камроқ кичик тўлқинли нурлар билан кўзғалади. 2.Тўр фоторецепторлар ўртатўлқинли нурлар билан кўпроқ кўзғалади, узун тўлқинли нурлар билан камроқ ва кичик тўлқинли нурлар билан янада ҳам камроқ кўзғалади. 3. Тўрдаги фоторецепторлар кичик тўлқинли нурлар билан кўпроқ кўзғалади, узун ва ўрта тўлқинли нурлар билан камроқ кўзғалади. Ранг рецепторларни жойлашув тартиби билан юшонча рақамлар билан қизил бир (протос), яшил икки (дейтрос), кук уч (тритос).

**Ранг ажратишни бузулиши.** Ранг ажратишнинг бузулиши икки гуруҳга бўлинади туғма ва ортирилган. Туғма ранг ажратишнинг бузилишини далтонизим дейилади инглиз олими Дальтон шарафига қуйилган ва у шу касалликдан азият чекган. Туғма ранг ажратиш аномалияларикўпроқ эркакларда – 8% ва камроқ аёлларда–0,5% кўзатилади. Уч компонентли теория буйича агар одам уч хил рангларни тўлиқ ссза олса бу ҳолатда нормал трихромазия дейилади, бундай хусусиятга эга бўлган шахслар нормал трихомаглар деб атаймиз. Ранг ажратишнинг бузулиши рангларни ажратиш аномалияси ранг аномалияси ёки аномал трихромазия, яъни уч компонентли ранглардан биттасини бутунлай қурмай қолиши дихромазия, ҳамда айрим ҳолларда жудаям кам учрайдиган иккита компонентни қўрмаганларни монохромазия (ок–кора) дейилади. Шундай қилиб қизил рангни аномал ҳис қилиш протоаномалия, яшилни – дейтроаномалия, кукни – тритоаномалия ва шу касалликга чалинган одамларни протоаномал, дейтроаномал ва тритоаномал дейилади.

*Дихромазиялар 3 шаклда учрайди а) протоаномия, б) дейтроаномия ва в) тритоаномия.*

Шундай патологияга хос одамларни протоаноп, дейтроаноп ва тритоаноп дейилади. Туғма ранг ажратишининг бузулишини 70 %

## КЎЗ ТУБИНИНГ КЛИНИК ВА ДИАГНОСТИК АҲАМИЯТИ

ранг аномалия патологияси ташкил этади. Туғма ранг ажратиш бузулишлари ҳамма вақт икки томонлама бўлади ва кўзнинг бошқа функциялари узгармаган бўлади, беморларни яшашига халакит бермайди, даволаш самарасиз, уларни тасодифан махсус текширишларда аникласа бўлади. Ранг ажратишни бузулишининг ортирилган тури тўр парда, кўрув нерв ва марказий нерв системаси касалликларида учрайди. Улар бир томонлама ва икки томонлама бўлиши мумкин, кўзнинг бошқа функциялари ўзгариши мумкин, даволаш вақтида яхши ва ёмон томонга динамикаси ўзгариши мумкин. Ортирилган ранг ажратишнинг бузилишида предметлар маълум бир рангда кўринадди, рангига қараб эритропсия (кизил), ксантопсия (сарик), хлоропсия (яшил) ва цианопсия (кук) бўлиши мумкин. Эритропсия ва цианопсия айрим ҳолларда катарактани экстракциясидан кейин пайдо бўлади. Ксантопсия ва хлоропсиялар захарланиш ва интоксикациялардан кейин кўзатилади. Ранг ажратишни текшириш учун махсус Е.Б. Рабкин жадвалидан фойдаланамиз (24-расм).

### РАБКИН ЖАДВАЛИ ОРҚАЛИ РАНГ АЖРАТИШНИ ТЕКШИРИШ



Расм-24. Рабкин жадвали

Текшириш табиий кундузги ёруғликда ўтказилади. Бемордан 1 метр узокликда жадвал ушланади ва жадвалдаги белгилар кўрсатилади, ҳар бир белги 2–3 секунд экспозицияси билан кўрсатилади. Биринчи ва иккинчи жадвални, яъни тестни ҳам соғлом ва ранганомаллар ўқий олади, улар бемордан нима талаб қилинаётганини тушунтириш мақсадида кўрсатилади. Ҳаммаси бўлиб беморларга 24 тест кўрсатилади. Кургани (+) билан



кўрмагани (-) билан белгилаймиз ва солиштирма жадвал билан солиштирамиз ва ранг ажратиш қобилиятини нормада ёки бузилганлигини аниқлаймиз. Киши ҳаётида ранглارни ажрата билиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Рангларни кўришни амалий аҳамияти шундаки, бу бизни ўраб тўрган дунёни яхшироқ билишга, нозик рангли кимёвий реакцияларни аниқлашга, темир йўл, хаво йўли ва машина йўли транспортларини бошқаришда ўзгарганини кўриш, шиллик пардадаги ўзгаришларни, яллиғланиш ва ўсмалар ўчоғини кўриб диагноз қўйишда. Рангларни кўриш вазифаси бузилган бўлса, рассомлар, тери докторлари, болалар докторлари, кўз докторлари бўлиб ишлаш мумкин эмас.

Кишининг иш қобилияти у ишлаётган бинонининг ёруғлиги ва рангларга боғлиқ, зангор ва оч қизил ранглар тинчлантиради, қора қизил, кўк ранлар чарчатади. Ўйинчоқлар тайёрланганда рангларнинг хусусияти ҳисобга олинади. Болаларда рангларни сезиш бир ёшгача бўлган даврда бошланади.

### ЁРУҒЛИКНИ СЕЗИШ

Бу кўзни ҳар хил даражадаги ёруғлик миқдорини сезиши дейилади.

Кўзнинг бу вазифаси филогенезда энг аввал пайдо бўлади, таёкча фоторецепторлар ва ўтказувчи йўллар ёрдамида ёруғлик таъсирини қабул қилиш хусусияти билан характерланади.

Кундузги Тўрмуш тарзида яшовчи хайвонларнинг тўр пардасида кўпинча колбачалар, кечаси ҳаёт кечирувчи хайвонларда эса таёкчалар бўлади. Тўр парданинг атроф қисми ёруғликнинг энг кўп сезадиган қисми, марказдан  $10 - 12^{\circ}$  нарида жойлашган. Ёруғликни сезишининг бузилиши кўп кўз касалликларнинг белгилари ҳисобланади.

*Кўришни ёруғлик миқдорига қараб шартли равишда 3 хилга бўламиз:*


а) Кундузги – фотопик ёруғлик миқдори 0,3 люксдан ёқори.  
 б) Қоронғуликда – (ғира ширада) кўриш мезопик – 0,1–0,3 люкс

с) Кечасиги – скотопик ёруғлик миқдори 0,1 люксдан паст  
 Ёруғликни миқдорига қараб кўзнинг мослашиши адаптация дейилади. 2 хил адаптация тафовуд қилинади – ёруғликга ва қоронғуликга.

## КЎЗ ТУБИНИНГ КЛИНИК ВА ДИАГНОСТИК АҲАМИЯТИ

Агар ёруғликни миқдори кўпайса, кўзлар мослашиши учун ковоклар химоя мақсадида кесилади—блефароспазм. Кўз ўта кучли ёруғликка 1 дақиқа ичида мослашади. Қоронғуликда кўз аста секинлик билан мослашади ва бу процесс 40 дақиқадан 1 соатгача давом этади. Ёруғликни сезиш функциясини текшириш клиник шароитда машақатли бўлиб жуда кўп вақт сарфланади. Энг оддий усули бсморларни қоронғи жойларда кўзатамиз ва ўнга стулга утириш, апаратга яқин келиш кабиларни буюрамиз. Клиникаларда ёруғликга мослашишни аниқлашда адаптометрдан фойдаланамиз. Соғлом одамлар ёруғликга ҳам қоронғуликга ҳам осон мослаша олади, қоронғуликга мослаша олмаслик гемеролопия (шаб кўрлик). Кравков Пуркинс синамаси билан қоронғуликда мослашиш текширилади. Қоронғуликда ўлчамлари 20×20 см қоп—қора картондан 4 хил рангдан (хаво ранг, сарик, кизил ва яшил) ўлчами 3×3 см келадиганкўздан 40 – 50 см масофада кўрсатилади. Соғлом одам 30—40 сониядан сўнг аввал сарик сўнг хаворангни сезади.

Қоронғуликга мослашишни текшириш учун адптометрдан фойдаланилади (25-расм)



25-расм. Адаптометр.

Гемералопиянинг 3 тури бор:

1. Симптоматик—кўзнинг тўр пардасининг хар хил касалликларида (пигментли дистрофия, тўр парданинг кўчиши, тўр парданинг яллиғланиши, глаукомада, кўрув нервининг неврити, яқиндан кўришнинг юқори даражасида) кўзатилади. Бу хилдаги гемеролопия кўриш майдонининг торайиши ва кўз тубидаги

паталогиялар билан бирга кечади. Кўзнинг тиниқ муҳитларининг хираланишида сохта гемеролопия кўзатилади.

2. Функционал гемеролопия—овкатда витамин А, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub>, етишмаганда ёки йўқлигида кўзатилади. Конъюнктивада ксеротик бляшкалар ҳосил бўлади. Кўз тубида ўзгаришлар йук. Етишмаган витаминлар А, В<sub>1</sub>, В<sub>2</sub> тулдирилганда касаллик тезда бартараф этилади.

3. Туғма гемеролопия кўзда органик ўзгаришлар йўқ, касаллик оилавий ирсий (наслдан наслга ўтадиган) характерга эга бўлади.

### КЎРИШ МАЙДОНИ—ПЕРЕФЕРИК КЎРИШ

Кўриш майдони кўзни қимирлатмасдан тўриб, атроф муҳитни кўзата билиш. Кўриш майдонининг чегаралари градусларга белгиланади, периметр ва назорат усули билан аникланади (26-27 — расмлар).



26-расм. Назорат усули



27-расм. Периметр

Кўриш майдонида анатомик ва физиологик чегаралари бўлади. Кўриш майдонини унинг марказий ва периферик қисмларини текшириш муҳим диагностик аҳамиятга эга. Кўриш майдонининг ўзгаришлари кўп ҳолларда кўз касалликларининг энг биринчи ва эрта белгилари ҳисобланади. Кўриш майдонининг динамикасига қараб кўз касалликларини прогнозлаш мумкин. Кўриш майдонидаги ўзгаришларга қараб бош миянинг кўп касалликларини топик диагноз қуйса бўлади. Кўриш майдонини марказий қисмини текшириш учун иккита мулжалга (орентирга) аҳамият берамиз: фиксацион нукта—сарик доғнинг проекцияси ва

## КЎЗ ТУБИНИНГ КЛИНИК ВА ДИАГНОСТИК АҲАМИЯТИ

кур доғи-кўрув нерви проекцияси. Хар бир кўз учун кўриш майдони алохида текширилади.

Кўриш майдонининг марказий қисмини кур доғини (Беррума скотомаси) кампиметрия усулида аниклаймиз, у кўриш майдонининг чакка қисмининг фиксацион нуктасидан  $12-18^\circ$  жойлашган, унинг вертикал ўлчами 9–10 см, горизонтал ўлчами 7–8 см. Кўр доғ физиологик скотомаларга киради, одам уни сезмайди ва иш фаолиятга халакит бермайди ва махсус текшириш усулида аниқланади. Кўр доғдан ташқари физиологик скотомаларга ангиоскотомалар ҳам киради, у фиксацион нуктадан чакка томонда  $30-40^\circ$  жойлашган

Хар хил маҳаллий ва умумий патологияларда, ангиоскотомалар ва кўр доғнинг катталиги ва шакли ўзгаради.

Тўр парданиннг марказий қисми ва кўрув нервининг толалари зарарланганда кўриш майдонининг марказий қисми йўқолади – марказий скотома пайдо бўлади. Кўриш майдонини аниклаш оқ рангли 3 мм объект билан ўтказилади, кўриш майдони ичидаги дефектларни аниклашда 1 мм оқ рангли объектлардан фойланамиз. Ранглар билан переметрия қилганда 5 мм ли хар хил рангли объектлар ишлатилади. Объектлар перифериядан марказга қараб ҳаракатлантирилади. Кўриш майдони текшириш учун энг кўп ишлатиладиган Ауберт ва Ферстер переметри ишлатилади. Аппаратнинг ёй кенглиги 50 мм га эгрилик радиуси 333 мм га тенг, ёйни марказида ҳаракатланмайдиган оқ фиксацион нукта бор ёй орқасида у градусларга булинган  $0^\circ$  дан  $90^\circ$  гача,  $5^\circ$  интервали билан, ёй уз ўқи атрофида  $360^\circ$  айланади, кўриш майдони 8 мередиана буйлаб текширилади (юқори, пастти, ташқи, ички ва тўрта қийшик). Аппаратнинг афзаллиги шундаки у жудаям арзон, ишлатилиш осон, хар қандай шароитда ишлатса бўлади. Камчиликлардан ёй ёритилишдаги камчилиги ёй ёритилишининг пастлиги. Кўриш майдони хар бир кўз учун алохида текширилади, иккинчи кўз бу вақтда енгил боғлам билан боғлаб қўйилади. Бемор аппаратга ўтказилади, жағи билан паски жағ учун мулжалланган фиксацион уриндикга қўйилади, уни баландлиги регуляция қилинади ва текширилаётган кўз ёйнинг марказига жойлашган фиксацион нуктага қадалади ҳаракатсиз.

Переметрнинг перифериясидан марказга қараб оқ рангли объект характлантирилади, бемор объектни сезган жойини

градусини белгилаймиз ва шу маромда 8 меридиана буйлаб чакка ва бурун томондан текширилади. Кўриш майдони хар хил рангларда хар хил бўлади. Энг катта оқ рангда ва энг кичиги яшил рангда.

Периферик кўриш майдонининг соғлом одамларда чегаралари:

Бурун(медиял) томондан  $60^{\circ}$ .

Чакка (латераль) томондан  $90^{\circ}$

Пешона (юқори) томондан  $55^{\circ}$

Жағ (пастки) томондан  $70^{\circ}$

Кўриш майдонинг чегараларининг умумий йиғиндисини 8 меридиана буйича ўртача  $480 - 530^{\circ}$  ни ташкил қилади. Мактаб ёшгача бўлган болаларда кўриш майдони катталарга нисбатан  $10^{\circ}$  торроқ.

Нормада кўриш майдонининг чегараларига анатомик ва физиологик факторлар, адаптациянинг ҳолати, кўрсатаётган объектнинг катталиги ва яққоллиги фоннинг ёритилганлиги, объектнинг ҳаракатини тезлиги таъсир кўрсатади.

III БОБ. КЎРИШ МАЙДОНИНИ ТЕКШИРИШ УСУЛЛАРИ:

1. Дондерснинг назорат усули, бунинг учун врачнинг кўриш майдони нормал бўлиши керак. Агар касал ва врач қўлни бир вақтда кўрса, бу кўриш майдони нормадалигини билдиради (24-расм).



24-расм. Дондерснинг назорат усули

2. Периметрияни Фёрстер аппаратида текшириш, унда ҳар хил рангдаги ва ҳар хил катталиқдаги (3–5мм) тест объектлар, ҳамда проекцион ва сферо периметрларда ёруғ ҳар хил рангдаги ва ҳар хил катталиқдаги тест объект ёруғ доғи бўлади. Кўриш майдонининг чегараларини яхшиси 8 та меридианларда ўлчаш керак. Бир ёшгача бўлган болаларнинг ориентацияси (ўзининг турган жойини аниқлаш) ҳаракатлари ва юриши, ҳаракат қилаётган предметлар томонга бош ва кўзини буришига қараб кўриш майдони тўғрисида тасаввур ҳосил бўлади (25-расм).



25-расм. Фёрстер аппарати

3. Проекцион периметрлар (ПРП) ёрдамида ёки сферопериметрлар ёрдамида. Диафрагма ва светофилтрлар ёруғлик тўтамини тўсиш учун аппаратга ўрнатилган ва бу ёруғликларни миқдори ва рангини ўзгартириб текширишга ёрдам беради, ҳамда

кўрсатиладиган объектлар ҳажми ўзгартирилади, текшириш мудатини қисқартиради, диагностика сифатини оширади.

4. Автоматик статик переметрия Humphrey аппарати бўйича текшириш вақтини тежаймиз диагностика сифати ошади, махсус программа бўйича текширилади ва текшириш хулосалари компьютер томондан қайд қилиб махсус бланкага ёзиб беморни қўлига берилади. Бу усул билан глаукомани эрта босқичларида ташхис қўйишга прогностлашда, даво чораларнинг самарасини кўзатишда қўл келадиган текширишдир. Оддий переметрияларда аниқлаб бўлмайдиган скотомаларни аниқласа бўлади. (26-расм).



5. Эрта ёшдаги болаларда кўриш майдони ҳақида уларни атроф муҳитга ориентация қила олишига мулжалланган *оптокинетик нистагм, электроэнцефалография, пушилламотор* реакциялар усуллари билан текшириш мумкин.

Кўриш майдони томонидан аниқланган дефектлар топиқ диагностикада муҳим аҳамиятга эга.

Кўриш майдонининг чегаралари рангларга оқ рангга караганда торроқ. Кўриш майдонининг кўк ва сариқ рангларга торайиши томирли парда патологияси, қизил ва яшил рангларга эса ўтказувчи йўллар патология натижасидир.

Кўриш майдонидаги патологик ўзгаришлари, улар иккига бўлинади.

1) кўриш майдонининг торайиши (концентриқ ва локал),

2) кўриш майдонининг учокли йуқолиши (скотома).

Кўрув майдонининг концентриқ торайиши кўрув нерв атрафиясида, глаукомада, пигметли ретинит, периферик

хориоретинитларда учрайди. Кўриш майдонининг локал торайиши кўриш майдонини маълум бир локал қисмларда торайиши (қолган қисмларда тўлиқ сақланади) гемеанаопсия у гомоним ва гетероним Тўрларига бўлинади. Гомоним гемеанаопсия бу бир кўзнинг чакка томони иккинчи кўзнинг бурун томонидан кўриш майдонининг йуқолиши кўрув нервларнинг ретрохиазмал шикасланишларда Кўзатилади. Гетероним гемеанаопсия бир беморнинг кўрув майдонинг чакка ёки бурун томонидан йуқолиши.

**Битемпорал гемеанаопсия** иккала кўзларинининг кўрув майдонини чакка томонидан йуқолиши, хиазманинг марказий қисмида патология бўлганда кўзатилади ва кўп ҳолатларда гипофизнинг ўсма белгилари ҳисобланади.

**Биазал гемеанаопсия** иккала кўзларинининг кўрув майдонини бурун томонидан йуқолиши, хиазманинг кесишмаган толалари шикастланса кўзатилади ва ички уйқу артериясининг анервизмида кўзатилади. Кўриш майдонининг ўчоқли дефекти кўриш майдонинг охириги чегараларигача стмаса скатома дейилади. Скотомаларни беморлар ўзлари сезади ва бундай скотомалар мусбат скотома дейилади. Агар бемор узи сезмаса ва махсус текшириш усулидан кейин аниқланса манфий скотома дейилади. Агар скотома соҳасида кўриш функциялари тўлиқ йуқолса мутлок скотома, агар кўриш функцияси қисман йуқолса қисман скотома дейилади. Скотомалар шаклига қараб овал, ёйсимон, айлана, секторал ва ногўғри шаклларда бўлади. Фиксацион нуктасига нисбатан локолизациясига қараб марказий, перецентрал, парацентрал, секторал ва тўрли туман скотомалар кўзатилади.

**Ультра товуш-УТТ билан текшириш (27-расм).** Оптик характеристикаларига боғлиқ бўлмаган ҳолда биологик тўқималарга ультра товуш тебранишлари осон киради, бунда геометрик оптика қонунларига асосан хар хил акустик характеристикали муҳитлар чегарасида акс этади, сингдирилади, шунингдек тарқалади ва ютилади.

Оптик муҳитлар тиник бўлмаганда кўз ичидаги ўзгаришларни ультратовуш билан текшириш муҳим аҳамият касб этади. Ультратовушнинг бу хусусиятлари унинг диагностик мақсадларда ишлатишга имкон берди. А-режимда ишлаган вақтида ультра товушнинг фақат битта манбан ишлатилади, текшириш натижаси



бир ўлчамли эгри чизикдан иборат, эгриликнинг баландлиги, эхо сигналларнинг кучи билан боғлиқ.



27 – расм. Ультратовуш билан текшириш.

Бу усул билан олдинги камера чуқурлиги, гавҳар қалинлиги, кўзнинг олдиги орқаўқининг узунлиги, кўзнинг вертикал ва горизантал ўлчамлари улчанади. А–режим гавҳар хиралашганда (катаракта) сунъий гавҳарни нур синдириш кучини аниқлашда ишлатилади. В–режимда векторли ва чизикли датчиклар ёрдамида ўтказилади. Икки ўлчамли ультра товуш текшириш усули ҳисобланади. Бу усул билан патологик туқиманинг ўлчами, формаси, бошқа структураларга нисбатган жойлашуви ва ҳажми аниқланади. Ультратовушнинг В–режимда текширилганда кўз ичидаги ёт жисмларнинг ўлчами, ҳажми, шакли, чуқурлиги, қонсистенцияси, кўз ичидаги қон қуйилишларнинг (гемофтальм), кўз ичидаги ўсмаларни ўлчами, шакли, ҳажми, зичлиги ва бошқа анатомик структураларга нисбатан жойлашуви жойи тўр парданинг анатомик жойлашуви ва кўчишини аниқлашда ишлатилади. Уч ўлчамли режимда ишлайдиган усул–УБМ (ультратовушли биомикроскопия) ҳисобланади. Бу усул билан олдинги камера бурчагининг ҳолати, олдинги камера чуқурлиги, Цинн бойламларининг ҳолати, гавҳар топографияси текширилади.

**Доплерография**–катта ва ўрта қон томирларда қон оқишининг тезлигини, қон билан тўлишини, пульсациянинг катталигини аниқлаш имконини берадиган усул (28-расм).

Бу усул тўр парданинг марказий артериясида пульсация пайдо бўлиши учун зарур бўлган кўз олмасининг компрессияси катталигини ўлчаш принципига асосланган. Текшириш офтальмо-динамометр прибори ёрдамида ўтказилади.




28-расм. Доплерография

Ангиография—кўз туби томирларининг флюоресцен билан контрастланганда расмини олиб, рўйхатга олиш имконини берадиган усул. Болаларда флюоресцен моддаси юборилганда 8 сониядан сўнг тўр парда қон томирларида пайдо бўлади. Катталарда эса бу кўрсаткич 10–12 сонига тенг. Ҳаммаси бўлиб 3–5 секунддан кейин буёқ тўр пардадан чиқиб кетади. Ана шу вақт ичида тўр пардани суратга тушириб олиш зарур. Расмларни регистрация қилиш мақсадида фундус камера ва ретинофотлардан фойдаланамиз. Ангиогараммани аниқ кўриш учун корачикни максимал даражада кенгайтириш керак ва кўз оптик мухитлари тиник бўлиши керак. Бу усул билан тўр пардадаги янги қон томирларнинг пайдо бўлиши, ишемик зоналар ва окклюзия зоналарини аниқласа бўлади. Флюоресцен ангиография вақтида тери ранги ўзгаради, сарғаяди, сийдик ранги ўзгаради, арим вақтларда қайт қилиш ҳолати кўзатилади, кичиш ва аксириш ҳолатлари кўзатилиши мумкин. Ҳозирги замон офтальмологиясида ангиография билан биргаликда оптико–когерент томография (ОКТ) усулидан фойдаланамиз. (ОКТ)—бу контактсиз ноинвазив тўр парда, шишиасимон тана, кўрув нервнинг диски ҳақида чуқур маълумот берувчи текшириш усули (29-расм).

ОКТ ёрдамида кўзнинг олдинги қисмлари ҳақида ҳам тўлиқ маълумот олса бўлади. Бу усул ультра товуш текширишининг В – режимига ухшайди, фақат ультра товуш урнига ёриғлик тўлқинлари ишлатилади. Бу усул билан тўр парданинг калинлиги, қаватлари, тўр пардадаги патологик учоқларнинг ҳажми, чуқурлиги, локализацияси, кўрув нерви дискининг ҳолати,

физиологик ва глаукоматоз экскавацияларнинг хажми ва чуқурлиги, сарик доғ анатомик тузилиши ва патологик ҳолатларини (макулодистрофия ва макулопатиялар) урганишда ва динамик назорат қилиш ва прогнозлашда тенги йук усул ҳисобланади.



29-расм. Оптико-когерент томография

## УМУМИЙ СОМАТИК КАСАЛЛИКЛАРДА ТЎР ПАРДАНИНГ ПАТОЛОГИЯСИ –(RETINITIS)

Юрак қон томир касалликларида тўр пардаги ўзгаришлар. Гипертония касаллигида тўр пардада талай ўзгаришлар юзага келади ва бу ўзгаришлар 4 даврга бўлинади (30-расм):

1. Гипертоник ангиопатия;
2. Гипертоник ангиосклероз;
3. Гипертоник ретинопатия;
4. Гипертоник нейроретинопатия;

Гипертоник ангиопатияда вена қон томирлар кенгайди, эгрилиги ошади янги шохалар пайдо бўлади, нормада қуринмайдиган майда қон томирлар пайдо бўлади. Гивиста симптоми пайдо бўлади макула соҳасида қон томирлар эгрилиги ошади.

Гипертоник ангиосклерозда – бу даврда юқорида айтилган ўзгаришларга, артерия қон томирлари қалинлашади, тораяди, қумуш ва мис симptomлари пайдо бўлади, симптом Салюса

## КЎЗ ТУБИНИНГ КЛИНИК ВА ДИАГНОСТИК АҲАМИЯТИ

Гунна (1)–яъни артерия қон томирлар, вена қон томирларни босади. Салюса Гунна (2) вена қон томирлар яна қисилади, Салюса Гунна (3) вена қон томирлари буткул қисилиб қон ҳаракатланмай қолади.

**Гипертоник ретинопатияда** теппада қайд этилган белгиларга тўр пардада паталогик ўчоқлар пайдо бўлиши кўшилади тўр парда хиралашади, тўр пардага қон қуйилади. Юлдузсимон инфилтратлар пайдо бўлади. Дисксимон макуляр шиш пайдо бўлади.



30-расм. Гипертония касаллигида тўр пардадаги ўзгаришлар

**Гипертоник нейроретинопатия** – гипертониянинг охириги даврларида кўзатилади ва касалликни нохуш прогностик белгилари ҳисобланади. Кўз кўриш қобилияти пасаяди, кўриш майдони тораяди, к.н.д атрофида қон қуйилиш ва шишлар пайдо бўлади.

**Давоси:** терапевтлар билан биргаликда олиб борилади.

**Тўр парда марказий артериясининг эмболияси**–гипертоник касалларда кўпроқ учрайди, ёшларда эндокардит ва юрак пароклари, сурункали юкумли касаликлар билан касаланган беморларда учрайди. Касаллик тўсатдан бошланади, кўз бирданга кўрмай қолади. Кўз тубини офталмоскопия қилганда, кўз туби

оппок кўринади ишемия хисобига, артериялар жудаям тор, оқарган тўр парданинг ўртасида сарик доғ худди олча донагидек кўринади (31 – расм).



31-расм. Тўр парда марказий артериясининг эмболияси

**Диагностикаси:** анамнез, офтальмоскопия, фундусскопия, кўз ОКТ си, флюорресцен ангиография, УТТ билан текшириш.

**Давоси:** кўз массаж қилинади, эмболни марказий артериядан шохаларга ўтказиш учун, кўз ички босими тушириш зарур парацинтез усули билан, тил такига нитро глицирин таблеткаси. шошилич равишда қон томирларни кенгайтирувчи дорилар, ретробулбар соҳага юборилади (трентал, атропин), асосий мақсад эмболни марказий тўр парда артериясидан шохаларига чиқариб юбориш. Бундан ташқари ферментлар (гемаза), мушак орасига гепарин ва бошқалар.

**Асоратлари:** кўрув нервларнинг қисман ва тўлиқ атрофияси.

**Тўр парда марказий венаси тромбози** –асосан катта ёшдаги касалларда учрайди гипертония, қандли диабет, атеросклероз билан касалланган беморларда учрайди. Тромбоз аста секин ҳам учраши мумкин ва тез пайдо бўлиши ҳам мумкин. Кўриш пасаяди скотомалар пайдо бўлади, кўз тубини қараганда вена қон томир буйлаб қон қуйилишлар “эзилган помидор” симптоми. Кўпхолатларда шишасимон танага ҳам қон қуйилади (32- расм).



32-расм. Вена тромбози

**Диагностикаси:** анамнез, офтальмоскопия, фундусскопия, кўз ОКТ си, флюорресцен ангиография, УТТ билан текшириш.

**Асоратлари:** иккиламчи неоваскуляр глаукома. Кўрув нервнинг қисман атрофияси.

**Давоси:** терапевт билан бирга ўтказилади. Стероидлар, эноксипин, гепарин, ферментлар (гемаза). Кейинчалик тўр парда лазер коагуляцияси.

**Диабетик ретинопатия-тўр пардаларнинг микро кон томирларнинг, қандли диабет сабабли, оширувчанлигининг ошиши, майда кон томирчаларнинг окклюзияси ва янги кон томирлар ва фиброгилсал тукима пайдо бўлиши.** Кўп ҳолатларда кўрлик ва ожизликга олиб келади.

**Эпидемиология:** қандли диабет беморларнинг сони ҳар 10 йилда 2 % га ошяпти. 50 ёшгача бўлган кўр беморларнинг асосий сабаби диабетик ретинопатия ҳисобланади.

**Классификацияси:** диабетик ретинопатиянинг 3 та даври бор


- 1) нопролефератив,
- 2) препенролефератив,
- 3) пропролефератив.

**Клиникаси:** касалликнинг даврига боғлиқ (33 - расм).

*Нопролефератив даврида* кўз тубида микроаневризма, қаттиқ эксудатлар, кам миқдорда юмшоқ эксудатлар (пахтасимон), Тўр пардал нуктасимон геморагиялар Кўзатилади.

*Препенролефератив даврида,* веналар эгрилиги ошади, калибрлари ҳар хил бўлади, қатта Тўр пардал геморагиялар, жуда кўпмиқдорда қаттиқ ва юмшоқ эксудатлар диабетик ретинопатияда, тўр парданинг кўп соҳаларида ишемия ҳосилбўлади.

Пролефератив даври, кўрув нерв дискининг неоваскулиризацияси эпикапилляр ва прекапилляр, кўз тубида пролефератив туқиманинг пайдо бўлиши фиброгилиар туқима, тўр парданинг кўчиши кўзатилади.



33-расм. Диабетик ретинопатия даврлари.

**Асоратлари:** тўр парданинг тракцион кўчиши, преретинал пардал ва витриал (гемофтальм) қон қуйилишлар, рангдор парда рубиози ва иккиламчи неоваскуляр глаукокома.

**Диагностикаси:** анамнез, офтальмоскопия, фундускопия, кўз ОКТ си, флюорресцен ангиография, УТТ билан текшириш, қон биохимик анализи.

**Давоси:** эндокринолог билан биргаликда ўтказилади. Медекаментоз давоси интравитриал ангиогенез ингибиторлари (анти-VEGF) схема буйича ангиопротекторлар, антиоксидантлар, фермент препаратлар, тўр парда панТўр пардал лазер коагуляцияси. Гемофтальмларда тўр парда кўчган бўлса витриоретинал жарохлик усули тавсия этилади.

Ретинопротекторлар ва фермент препаратлар.

**Қарилик макулострофияси (КМД)** бу склератик макулострофия ёшнинг катталашини сабабли пайдо бўладиган дистрофик касаликлар. Қарилик макулострофия йиллар давомида ёмонлашади. Кўришқобилияти жудаям пасаяди. Кўриш майдонинг марказий қисмида скотома ҳосил бўлади. Нарсалар кийшиқ

кўринади, беморлар ўқишда ёзишда жудаям кийналади, марказий кўриш буткул йуқолади.

Клиник жиҳатдан икки формаси мавжуд: нозксудатив ёки атрофик формаси, хўл эксудатив неоваскуляр тури (34-расм).

Влажная форма



Сухая форма

34-расм. Қариллик макулострофияси.

**Этиологияси:** аниқ эмас, асосан қариллик билан боғлиқ. Тамаки чекиш қуёш нурлари тасири, қандли диабет, гипертония сабаб бўлиши мумкин.

**Эпидемиология:** ҳозирги кунда 1000 кишидан 60 ёшдан кейин 15 кишида қариллик макулострофияси аниқланади, кўпроқ аёлларда учрайди.

**Диагностикаси:** касалнинг шикоятлари анамнез, офталмоскопик белгилар қаттиқ, юмшоқ дурузлар, макуляр рефлекснинг пасайиши ва йуқолиши, чандиқ пайдо бўлиши, кўз ОКТси, флюоресцен ангиография.

Диагностика қилишда ОКТ жуда муҳим аҳамиятга эга. Макулострофияни курик ва эксудатив Тўрлари куйндагича кўринади (35-расм).


**Давоси:** антиоксидант, витаминлар, лютеин, цинк препаратлари, люцентик интравитриал юборилади, бундан ташқари тўр парданинг лазер коагуляцияси.

**Чала туғилган болалар ретинопатияси преретинопатия ёки ретролентал фиброплазия**

чала туғилган болалар ретинопатияси фақат чала туғилган болаларда учрайди. Чала туғилганлар ретинопатияси тўр пардаларнинг вазопроефератив касаллик бўлиб, тўр парда кон



томирларнинг охиригача ривожланмаганлиги билан боғлиқ. Янги туғилган чақалокларнинг оғирлиги 1 кг дан кам бўлса, 88 – 95% болларда, чала туғилганлар ретинопатияси кўзатилади. Шуларнинг ичидан 7 – 20 % оғир даражада кечади.



ОКТ изображение сухой ВМД



ОКТ изображение влажной ВМД

35-расм Макулодистрофия турларини ОКТда кўришини

Чала туғилганларнинг ретинопатиясида икки фаза кўзатилади: актив (фаол) даври ва регрессив давр.

**Диагностика:** анамнез (чала туғилган бола), офтальмоскопия, УТТ да текшириш.

**Даволаш:** ҳозирги замон шароитида фақат тўр парданинг авоскуляр ҳудудларини лазер коагуляция қилинади.

Болаларда кўпинча тўр парданинг дистрофияпигмент дистрофияси, пигментсиз дистрофиялар, Лойренс Мунна Бидла синдроми, макуляр ретинодистрофиялар, Бест сарик ретинодистрофияси сарик доғининг Штадгард дегенерацияси ва бошқалар учрайди бу касаликлар ирсий касалликлар ҳисобланади ва жудаям кам учрайди, прогнози унча яхши эмас болалар охир оқибат кўр бўлади. Касаликлар аста секинлик билан ривожланади, кўриш жудаям паст, шабкўрлик ривожланади, ноғиронлик буйича диспансер назоратида бўлади.

**Диагностикаси:** анамнез, офтальмоскопия, фундускопия, кўз ОКТси, флюорресцен ангиография, УТТ билан текшириш.

**Давоси:** самарасиз. Витаминотерапия, антиоксидант, томирларни кенгайтирувчи препаратлар ретинопротекторлар (тауфон,эмоксипин, ретиналамин) ва яллиғланиш ўзгаришлари кўзатилади, улар хориоидеянинг сил, токсоплазмоз, ревматизм ва

## КЎЗ ТУБИНИНГ КЛИНИК ВА ДИАГНОСТИК АҲАМИЯТИ

бошқа касалликлардан зарарланганидан бўлади. Кўпинча тўр парданинг зарарланиши кўзнинг жароҳатланишидан (чайқалиш, қон қуйилиши, катланиш) бўлади. Тўр парданинг патологиясининг 1% дан кўп учрамайди, тўр пардадаги патологик процесслар ҳар хил сабаблардан бўлади; томирлардаги ўзгаришлар қизариш ёки ишемия оқариш бўлиб кўринади.



36-расм. Чала туғилган болалар ретинопатияси

### ТЎР ПАРДАНИНГ КЎЧИШИ

Тўр парда кўчиши бу нейрозептилиал қатламнинг тўр парда олдинги эпителиясидан ажралиши. Орқасига субретинал сув йиғилади ва тўр парда кўчишига олиб келади. 100.000 аҳолида 9 дан 25 кишида тўр парда кўчиши кўзатилади. Икки томонлама тўр парда кўчиши 0,3 да 30 % гача кўзатилади (37-расм).

Отслойка сетчатки



Этиологияси: кўп факторли бўлиб томирли парданинг яллиғланиши, дистрофияси, ретинопатиялар, ретиношизистлар,

периферик витриохориоретинал, дистрофияларда, ўсмалар, асоратланган юқори даражали миопия, кўзжароҳатланишлар, қандли диабет ҳисобланади.

**Классификация :**

**Этиология буйича бирламчи ва иккиламчи**

**Бирламчисига :**

- а) Регмотоген
- б) Экссудатив
- с) Тракцион.

**Иккиламчи тўр парда кўчиши:** кўзнинг ялигланишларида ва офталмоонкологияларда учрайди.

**Тарқалиши буйича тўр парданинг кўчиши:**

Локал битта квадрант, тарқалган иккита квадрант, субтотал учта квадрант, тотал тўрт квадрант.

**Шаклига қараб:** ясси, баланд ва пуфаксимон.

**Сариқ доғнинг ҳолатига қараб:** макулар зонаси билан ва макуляр зонанинг ташқарисида.

**Мудатига қараб:** янги, унча янги бўлмаган ва эски тўр парда кўчишлари Кўзатилади.

**Клиникаси:** регмотоген тўр парда кўчишида, кўз олдида учкунлар фотоопсия, агар тўр парданинг қон томирлари ёрилса кўз олдида қора доғлар пайдо бўлади, кейин кўз олдида парда пайдо бўлади, кўриш қобиляти пасаяди, кўз ички босими 5 мм. см. ум. гача тушиб кетади, шишасимон танада “тамаки тутуни” симптоми пайдо бўлади. Яъни пигметларнинг сузиб юриши ҳисобидан.

Янги пайдо бўлган тўр парда кўчишида, юзаси қаварикбўлади, бироз хиралашган, хусусий қон томир қуринмайди, тўр парда кўз олма ҳаракатига қараб ҳаракатланади.

Тўр парда кўчиши кўп ҳолатларда тишсимон чизикдан бошланади, ва кўрув нерви соҳасигача боради. Тўр пардадаги ёриқлар қизил дефект шаклида кўринади ва ҳар хил конфигурацияда бўлади.

Агар ёрик кўз тубининг юқори сигментида бўлса, тўр парда кўчиши тез ривожланади. 60% ҳолатларда, тўр парда кўчишининг сабаби юқори ва ташки квадратда тўр парда тешилиши сабаб бўлади, 15% ҳолатларда юқори ва ички квадратлар сабаб бўлади, 15% ҳолатларда пастки ва ташки, 10% ҳолатларда пастки ва ички квадрантлар сабаб бўлади.

## КЎЗ ТУБИНИНГ КЛИНИК ВА ДИАГНОСТИК АҲАМИЯТИ

Тўр парда кўчиши эскирса дистрофик ўзгаришлар пайдо бўлади.

Тракцион тўр парда кўчишларида фотоопсиялар ва сузиб юрувчи хираликлар куринамайди. Эксудатив тўр парда кўчишларида фотоопсия кўзатилмайди, кўриш майдони бирданига ўзгаради ва ривожланиб боради, шакли каварик, юзаси силлик, субтўр пардал суви жуда кўп бўлади, гавҳарнинг орқа юзасигача келиши мумкин, тўр пардада ёрик йўк, тўр парда ҳаракатчан, унинг тагидаги суюкликни ҳаракати кўринади.

**Диагностика:** анамнез (миопия юқори даражаси, оғир нарса кўтариши, периферик витриохориоретинал дистрофиялар, афакия, артифакция, кўздаги хирургик операциялар ва лазер операциялар, кўзжароҳатлари), кўриш ўткирлигини текшириш, кўз ички босимини ўлчаш, биомикроскопия Гольдман линзаси билан, офтальмоскопия тўғри ва тескари тўри, УТТ текширишда тўр парда кўчишининг бирламчи ёки иккиламчилигини кўриш мумкин.

Б режимда текширилганда тўр парданинг “V” ва “T” симон кўчишини аниқлаш мумкин (38-расм).



38-расм. УТТ билан текшириш.

**Давоси:** жароҳлик йули билан эписклерал пломбалаш, витриоретинал жароҳлик ҳамда, тўр парда лазер коагуляцияси.

### КЎРИШ НЕРВИНИНГ ПАТОЛОГИЯСИ.

Кўриш нервининг патологияси деярли ҳамма вақт кўриш вазифаларини бузилишига олиб келади. Бошланиши билинтирмасдан, айниқса, баъзан ўткир, лекин болалар, мактаб ёшгача бўлган болалар агар фақат бир кўзи касалланган бўлса, кўришнинг камайганлигини (бузилганлигини) сезмайдилар. Кўрув нервининг патологияси кўпинча умумий касалликларнинг, айниқса, бош мия касалликларининг юзага чиқиши бўлиб ҳисобланади.

Хамма ўзгаришлар туғма, яллиғланиш, Тўрғунлик ҳолатлари, жароҳатланиш, атрофияга бўлинади. Ривожланишдаги аномалиялар офтальмоскопияда кўринади, колобома холида, дискнинг чуқурлашиши, дискда пигмент бўлиши, псевдоневрит, гипоплазия, мислин толалари, кўриш нерви друзлари, кўриш нервининг туғма атрофияси бўлиши мумкин.



39-расм. Кўрув нерви неврити.

### КЎРИШ НЕРВИНИНГ ЯЛЛИҒЛАНИШИ.

Кўрув нервининг яллиғланиши бу кўрув нерв толаларининг эксудатив ва пролифератив яллиғланиш процесси (39 – расм).

**Этиологияси:** стафилаккок, стрептококк, гоноккоklar, токсоплазмоз, малярия, сил, захм, вирусли инфекциялар, грип, кизамик, аденовируслар, ОИТС, гепатит Б ва С, касаликлари сабаб бўлади. Кўрув нервининг яллиғланишига кўп ҳолатларда оптиохиазмал арахноидит, синусит, танзилит, кўзқаватларнинг яллиғланиш касалликлари (ретинит, кератит, увеит ва склерит), орбитанинг касаликлари (флегмона ва перостит), орбитанинг жароҳатлари, аутоиммун касалликлар (коллагеноз, ревматизм, тарқоқ склероз, кон касалликлари) ва ҳоказолар кўрув нерви яллиғланишига олиб келиши мумкин. Кўришнинг тез ва анча пасайиши ва рангларни сезиши бузилиши билан клиник характерланади. Офтальмоскопияда дискнинг гиперемияси (қизаргани), чегараларининг ноаниқлиги, веналарнинг кенгайганлиги кўринади. Дискнинг шишасимон табага проминенцияси (тик тўриши) унчалик билинмайди.

## КЎЗ ТУБИНИНГ КЛИНИК ВА ДИАГНОСТИК АҲАМИЯТИ

**Клиникаси:** кўрув невнинг ялиғланиш локолизациясига қараб: ички қисми ялиғланса попилид дейилади, орбита ичидаги қисми ялиғланса орбитал неврит, хиазма соҳаси ялиғланса оптохиазмал арохноидит дейилади. Кўрув нерв диски ялиғланганда, кўзни ҳаракатлангирганда кўздаги оғрик, кўришўткирлигининг пасайиши, ранг ажратишнинг бузилиши, кўз тубини кўрганда кўрув нерв диски шиши, кизариши, айрим ҳолатларда геморагия, чегараси ноаник, веналар кенгайган, кўриш майдонини текширганда скотомалар. Кўп ҳолатларда кўрув нерви ялиғланиши бир томонлама бўлади, айрим ҳолларда икки томонлама бўлади. Агар кўрув нервнинг ретробулбар соҳаси ялиғланса, у ҳолда биринчи ойда кўз тубида ҳеч қандай патологикўзгаришлар кўзатилмайди, фақат кўз олмаси ҳаракатланган вақтида оғрик сезилади, ранг ажратиш қобилияти бузилади, кўришўткирлиги пасаяди, кўриш майдонида скотомалар пайдо бўлади. Оптиохиазмал арохноидитларнинг сероз ва фиброз тўрлари тафовуд қилинади. Иккала кўз процессга қушилади. Кўриш майдони тораяди, скотомалар пайдо бўлади, битемпорал гемнанопсиялар Кўзатилади, касалик кўрув нервнинг атрофияси билан тугайди. Кўриш қобилияти буткул йуқолиши мумкин.

**Диагностика:** анамнез, кўз тубининг патологик белгилари, УТТ билан текшириш, унда кўрув нерв дискининг йўғонлашиши, проминацияси, ОКТ ва МРТ қилинганда кўрув нерв дискининг шиши, перепопилар геморагиялар аниқланади. Диагноз қўйишвақтида невропатолог, ревматолог, дерматовенеролог, фтизиатр ва ЛОР мўтаҳасислар билан маслаҳат қилинади.

**Давоси:** антибиотиклар, кортикостероидлар вена ичига ретробулбар антигистамин препаратлар, вена ичига 40% глюкоза, уротропин, маннит, фурасимид. Агар этиорлогияси вирусли бўлса унда вирусгақарши препаратлар қўллаш.

**Асоратлари:**кўрув нервнинг қисман ёки тўлиқ атрафияси

## КЎРУВ НЕРВИНИНГ ДИСКИНИНГ ДИМЛАНИШИ

Кўрув нервнинг диски тўрғунлиги дискнинг, яллиғланишига хос бўлмаган шишҳолида намоён бўлади, бу калла суяги ичидаги босим ошиши натижасида, бош миёда ўсмалар бўлишидан келиб чиқади.Нормал шароитларда тўқима суюқлиги кўрув нервида калла бўшлиғида оқиб ўтади, бу касалликлар сабабли суюқлик

ҳаракатининг тўхтаб қолишига олиб келади. Офталмоскопик 5 даврга бўлинади (40 – расм):



40-расм.

1. *Бошланғич* – даврда дискнинг кизариши ва чегараларини ноаниқ бўлиши, дискнинг бурун тарафида унчалик кўп бўлмаган шиш билан характерланади. Кейинчалик шиш чакка тарафни ҳам эгаллайди, шиш кўпайиши, дискни катталашишига ва проминенцияга, веналарнинг кенгайишига олиб келади. Кўриш вазифалари ўзгармайди.

2. *Ривожланган давр* – дискнинг ўлчами ва променцияси катталашади. Диск тўқимасининг ҳаммаси шишади. Веналар кенгайган, эгри бугри, артериялар торайган, қон қуйилишлар пайдо бўлиши мумкин. Кўриш вазифалари бузилмайди.

3. *Ўта ривожланган давр* – диск катталашган ва тўр пардада сатҳидан 2–3 мм кўзикорин сингари кўтарилиб тўради. Қон қуйилишлар кўпаяди. Агар бу даврларда касалликнинг сабаби юқотилса, орқага қайтиш бўлиши ва вазифалар тикланиши мумкин.

## КЎЗ ТУБИНИНГ КЛИНИК ВА ДИАГНОСТИК АҲАМИЯТИ

4. *Атрофия даври* – тўрғунли дисклар шиш камаяди, кўрув нервнинг диски оқроқ бўлади, чегаралари ноаниқ. Веналар нормал катталиқда бўлиб, артериялар торлигича қолади, қон қуйилишлар сўрилади. Кўриш ўткирлиги тезда пасаяди, кўриш майдони тораяди.

5. *Терминал (охирги) давр*—агар касалликнинг сабаби юкотилса ва даволаш фойдасиз бўлса, кўрув нервида атрофия бўлади. Кўрув нервида ўзгаришлар кўпайиб, диск оппоқ бўлиб, бутунлай кўрликка олиб келади.

Одатда дискнинг тўрғунлиги 2 тарафлама бўлади. Шундай ҳоллар ҳам бўладики, патологик процесс кўз босимини оширишни чакириб, кўриш йўллариининг қандайдир қисмига тўғридан тўғри ёки бевосита таъсир қилади. Кўрув йўллариининг айрилиш (кесишган) жойига таъсир қилиш битемпорал ва биназал гемпанопсияларга, кўриш трактига таъсир қилиш эса гомоним гемпанопсияга олиб келади.

Кўриш майдонини синчиклаб текшириш диагноз қўйишга ёрдам беради, айниқса мия участкалари зарарланганда, неврологик симптоматика йўқлигида. Кўрув нервнинг атрофиялари яллиғланиш ёки Тўрғунлик ҳолатларининг оқибатида бўлади. Кўриш ўткирлигининг пасайиш, кўриш майдонининг торайиши клиник белгилар бўлиб ҳисобланади. Бундан ташқари атрофиялар туғма ва интоксикация натижасида, хинин метил спирти ва бошқа захарловчи моддалар билан захарланганда, ботулизмда бўлади. Узок давом этган кўрув нерв дискининг димланиши оқибатида, кўрув нервнинг қисман ёки тўлиқ атрофиясига олиб келиши мумкин.

**Диагностикаси:** анамнез, офтальмоскопик клиник белгилар, ретинофот, кўз ОКТ си, кўзни УТТ да текшириш, бош мия МРТ ва МСКТ ёрдамида аниқланади.

**Давоси:** невропатолог ва нейрохирург билан бирга олиб борилади.



#### IV. БОБ. КЎРУВ НЕРВЛАРНИНГ АТРОФИЯСИ – оптик нейропатия.

**Этиологияси:** кўрув нервларнинг ялиғланиш процесси, бош миянинг ялиғланиш касаликларида кейин (оптиконеврит, арахноидит, менингит, энцефалит), кўрув нервнинг ва марказий нерв системасининг демелизацияси (тарқоқ склероз, оптик мислит), кўрув нервнинг ва марказий нерв системасининг аутоиммун характерга эга бўлган касалликлар, системали қизил волчанка, бехчета касаллиги, артерит Такоясу, Фогта Коянага Харада синдроми, кўрув нерв ва марказий нерв системасининг жароҳатлари. Кўрув нерв ва тўр парданинг томирли касаликларида, ишемик нейропатия, тўр парда марказий артериясининг эмболияси, тўр парда марказий венасининг тромбози, глаукома, кўрув нервларининг ўсмалари, бош мия ўсмалари, захарланиш (метил спирт, кўрғошин ва маргимуш), алиментар витамин А стишмаслиги ва тапито Тўр пардал абиотрофияларда (шаб курлик).

**Клиникаси:** кўрув нервнинг атрофиянинг клиник кўриниши доимо корачикларнинг кенгайиши, уларнинг ёруғликка реакцияси йўқлиги, кўзатиш ва кўз фиксацияни йўқлиги билан характерланади.

2 томонлама зарарланганда “адашгандек қараш ” бўлади. Кўришнинг камайишига атрофия процессининг жойлашиши ва интенсивлиги сабаб бўлади.

Офтальмоскопияда кўрув нерви дисклари оқарган, чегаралари аниқ, қон томирлари торайган ангиоспазм, кўриш майдони концентрик торайган скотомалар, гемианопсиялар бўлиши мумкин, кампиметрияда кўр доғнинг чегаралари катталашган.

Ранг ажратиш қобилитини Рабкин жадвали билан текширилганда, ранг ажратишнинг ортирилган тип буйича бузилиши. Клиник жихатдан кўрув нерв атрофияси икки хил Тўри тафовуд қилинади: тепага чикувчи ва пастга тушувчи.

**Диагностикаси:** анамнез, кўз тубидаги офтальмоскопик белгилар, кўриш майдони ва кўришўткирлигини текшириш, ОКТ, бош миянинг МСКТ ва МРТ текширувлари, кўз УТТ си.

**Давоси:** офтальмолог, невропатолог, нейрохирург, терапевт, токсиколог ва бошқа мўтахасислар билан биргаликда, томирларни кенгайтирувчи ва озикланишни яхшиловчи фойдали дори

## КЎЗ ТУБИНИНГ КЛИНИК ВА ДИАГНОСТИК АҲАМИЯТИ

препаратлари: никотин кислотаси, трентал, прозерин, ношпа, витаминлар, глюкоза пирогенал, электрофарез, кислородо терапия, Тўр пардаламин, эмоксипин.

## КЎЗ ТУБИНИНГ ПАТОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАРИ

Кўрув нерв дискининг ўзгаришлари, Кўрув нерв дискининг аномалиялари буларга аплазия, гипоплазиялар, мегалопопила, кўрув нерв дискининг колобомаси, кўрув нерв дискининг чуқурчаси, иккиланган диск, кўрув нерв дискининг гиперпигментацияси, кўрув нерв дискининг кийшайиши, кўрув нерв дискининг друзи, кўрув нерв дискининг глиози, кўрув нерв дискининг миелин толаларнинг борлиги, препопилляр мембрана, “тонги порлаш симптоми” киради.

*Аплазия* – Кўрув нерв дискининг тулик йуклиги (41 – расм).



41 - расм. Аплазия.

*Кўрув нерв дискининг гипоплазияси* - Кўрув нерв диски ривожланмага, унинг хажми нормадан  $\frac{1}{2}$  -  $\frac{1}{3}$  катталикини ташкил қилади (42 – расм). Бу аномалияда Кўрув нерв дискининг тулик шакилланмаган, тўр парданинг гангилиоз хужайрлар тулик дифференциациялашмаган, иккичи нейрон аксонларининг сони камайган. Гипоплазия ва аплазия кўп ҳолатларда микрофтальм, нстагм, гилайлик ва кўзнинг бошқа тугма нуқсонлари билан бирга кечади.




42 - расм. Кўрув нерв дискининг гипоплазияси

**Кўрув нерв дискининг катталашиши (megalopapilla)** – жудаям кам учрайдиган тугма нуксон, бу касалликда диск диаметри 2,2 – 2,5 мм дан катта булади (43 – расм)



43 - расм. Кўрув нерв дискининг катталашиши (megalopapilla)

**Кўрув нерв дискининг колобомаси**-Кўрув нерв диск сохасидаги кратерсимон оч кулранг рангдаги чуқурча, шакли овал ва юмалок бўлиши мумкин (44 – расм).



44 - расм. Кўрув нерв дискининг колобомаси

**Кўрув нерв дискининг чуқурчаси**- Кўрув нерв дискининг тугма нуксони ҳисобланиб, ранги тук кулранг, диаметри унча катта булмаган, лекин анча чуқур, койдага кура дискнинг темпорал қисмида учрайди. (45 – расм)



45 - расм. Кўрув нерв дискининг чуқурчаси

## КЎЗ ТУБИНИНГ КЛИНИК ВА ДИАГНОСТИК АҲАМИЯТИ

**Иккиланган кўрув нерв диски** – кўрув нерв дисклари қисман бир бири билан тўташади ва ҳар бир кўрув нерв дискининг алоҳида қон томир системаси мавжуд бўлади. (46 – расм)



46- расм. Иккиланган кўрув нерв диски


**Кўрув нерв дискининг гиперпигментацияси** – пигментлар дискнинг атрофида жойлашгандан ташқари кўрув нерв тўкимагасида ҳам жойлашган бўлади. унинг шакли нуктасимон, булутсимон, сўсимон чизикли йулаклардай бўлади.

«**Кўрув нерв дискининг кийшайиши**» - бу нуксон кўрув нерв учун мулжалланган склеранинг каналининг қийшайиши билан боғлиқ. Бу нуксонда кўрув нерв кўз олмага нисбаттан бурчак остида келади. Кўрув нерв дискининг шакли чузилган овалсимон бўлади. Кўп ҳолатларда темпорал томондан склерал конус кўзатилади. Дискнинг ранги бурун томонидан ёркинрок. Бу нуксон кўп ҳолатларда икки томонлама бўлади. офтальмоскопия қилганда кийшик дискнинг ҳолати глаукоматоз эксковацияани эслатади, шунинг учун беморни ҳамма томонлама текшириб глаукома бор йўқлигини инкор этиш зарур (47 – расм).



47 - расм. «Кўрув нерв дискининг кийшайиши»

**Кўрув нерв дискининг друзлари**– кўрув нерв диск соҳасида гналин чукмалари борлиги билан характерланади, ёркин оч сарик юмалок ҳосила шаклида куринади, Кўрув нерв дискининг сатхидан буртиб чиқади ва бу кўрув нерв дискининг улчами катталашгандек куринади. Друзалар юзаси нотекс, гадир – будир, чегаралари ноаник, битта ёки бир нечта учраши мукин. (48 - расм).



48 - расм. Кўрув нерв дискининг друзлари

**Кўрув нерв дискининг глиози** – икки шаклда учрашиши мумкин: а) псевдодимланиш ва б) псевдоневрит. Псевдодимланишда кўрув нерв дискининг хаддан зиёд кўп глиоз тўқимагаси борлиги учун диск хажми ва улчами катталашади, тўр парда тўқимагасидан буртиб чиқади ва бу Кўрув нерв дискининг димланишини эслатади, дискнинг ранги қулранг, чегараси ноаник лекин бу ерда тўқимагаси шишмаган, қон томирларининг улчами ва ахитектураси узгармаган ва у тўр парда тўқимагаси ичига кумилмаган. Ҳақиқий димланишдан фарқлироқ (49 – расм).




49 - расм. Псевдодимланиш

Псевдоневрит псевдодимланишдан фарқлироқ глиоз тўқимаганинг кўплиги билан бирга унинг ранги жудаям ёрқин, шунинг учун у попиллитга жудаям ухшаб кетади. Айрим ҳолатларда Кўрув нерви дискининг друзлари ва глиозлари бирга кечади (50 – расм).




50 - расм. Псевдоневрит

*Кўрув нерв дискининг миелин толалари* – жудаям кўп учрайдиган Кўрув нерв дискининг тугма нуқсон ҳисобланади. Миелин толаларнинг сакланганлиги учун улар склеранинг галвирсимон пластинкаси олдида жойлашади, ва кўрув нерв диски соҳасида яққол куринади оқ рангга эга. Кўп ҳолатларда миелин толалари дискнинг киргогида жойлашиб кўрув нерв диски чегараларини ноаниқлигига олиб келади. Дискдан чиқадиган қон томирлар қолибри, йуналиши узгармайди. Миелин толаларнинг айрим ҳолатларда диск атрофида жойлашади ва бу уларни аниқлашда кийинчилик тугдиради (51 – расм).




51 - расм. Кўрув нерв дискининг миелин толалари

*Кўрув нерв дискининг пренапиляр мембранаси*—Кўрув нерви диски устида ярим тиник пленка қуринади ва бу гиалоид артериянинг колдиклари билан боғлиқ. (52 – расм)



52 - расм. Кўрув нерв дискининг пренапиляр мембранаси

*“Тонги порлаш симптоми”* - кўрув нерви диски нуқсонли бўлиб, бир томонлама ёки икки томонлама бўлиши мумкин, ирсийлик боғлиқ. Бу нуқсон жудаям кам учрайди, диск хажми катталашади, замбуруксимон буртиб чиқади ва воронкасимон экскавация ҳосил булади, диск атрофи кўтарилган хориоретинал пардал халка билан уралган бўлади. қон томир тўтаи экскавация киргогларидан радиал чиқади (53 – расм).



53 - расм. Тонги порлаш симптоми

КЎРУВ НЕРВИ ДИСКИНИНГ ПАТОЛОГИК  
ЎЗГАРИШЛАРИ.


Кўрув нерви дискини баҳолашда куйдаги параметрларга эътибор берамиз.

- Ранги;
- Улчами (размери);
- Чегараларининг ҳолати;
- Эксковациянинг характери;

*Кўрув нерви диски рангининг ўзгариши.*

Кўрув нерви диски рангини кизариши – гиперемия куйдаги ҳолатларда кўзатилади: юкори даражали гиперметропияларда, попилит (интрабулбар неврит), Тўр парда марказий венаси тромбози, бош мия ичидаги патологик ўзгаришларида (яллиғланиш касалликлари, усмалар ва шикастланишлар). Гиперметропиянинг юкори даражаларида кўрув нерви дискининг кизариши “ёлгондакам неврит” киприксимон тана мускулларнинг фаол ишлаши билан боғлиқ. Папилитларда гиперемия Кўрув нерви дискининг яллиғланиши билан боғлиқ, артериялар кенгайди ва Кўрув нерви дискининг яллиғланиш инфилтрацияси кўзатилади.

*Тўр парданинг марказий венасининг тромбозида* эса кўрув нерви дискининг гиперемияси веноз димланиш билан боғлиқ (54 – 55–расм).




54 - расм. Тўр парданинг марказий венасининг тромбози





55 - расм. Тўр парданинг марказий венасининг тромбози.

**Кўрув нерви дискининг окариши** – оптик нейропатияларда ва кўрув нерви дискининг атрофиясида кўзатилади. Оптик ишемик нейропатия - кўрув нервнинг кон билан таминланишининг бузилишида кўзатилади (56 - расм).



56 - расм. Курув нерви дискининг окариши

Кўрув нервларнинг атрофияси иккига булинади (пастга тушувчи ва юқорига чикуквчи), Кўрув нерв толаларнинг улими ва унинг урнини глиоз тўкимага эгалаши билан боғлиқ. Пастга тушувчи Кўрув нерви атрофиясининг сабаби бу бош мия томонидан пайдо буладиган патологик процесслар сабаб булади: бош мия усмалари, оптиохиазмал арахноидит, таркок склероз, Тўрк


## КЎЗ ТУБИНИНГ КЛИНИК ВА ДИАГНОСТИК АҲАМИЯТИ

эгарнинг буш синдроми, бош мия травмалари ва бош мия кон томирларининг аневризмалари. Кўз туби текширилганда кўрув нерв диски оқарган, чегараси аниқ, қон томирлар узгармаган, тўр парда бошқа сохалари ўзгаришсиз (57 - расм).



57 - расм. Пастга тушувчи кўрув нерви атрофияси

Кўрув нерви дискининг тепага чикувчи атрофиясининг сабабларига: кўрув нерви дискининг димланиши, Кўрув нервининг неврити, тўр парда марказий артерияси окклюзияси ва эмболияси, тўр парда марказий венасининг тромбози, оптик ишемик нейронпатияларда, тўр парданинг пигментли ретинитларида. Офтальмоскопия килинганда Кўрув нерв диски оқарган, чегараси ноаниқ, тўр парда артериялари жудаям торайган – ангиоспазм, айрим ҳолатларда тўр парда шишиш белгилари кўзатилади ва тўр парданинг бошқа сохаларида хар бир касалликга хос бўлган патологик ўзгаришлар (“эзилган помидор” симптомининг колдиклари, пигментли ва пигментсиз дистрофик доғлар) (58 – расм)




58 - расм. Кўрув нерви дискининг тепага чикувчи атрофияси

Кулранг кўрув нерви диски-глаукомада, кўрув нервнинг склератик атрафиясида (псевдоглаукома), ҳамда сифилис касалликларида учрайди.

Кўрув нерви дискининг улчамларининг (размери) ўзгариши.

Кўрув нерви дискининг хажмининг катталашиши тўр парда марказий венаси тромбозида, кўрув нерв дискининг димланиши, псевдодимланишида ва псевдоневритларда кўзатилади. Тўр парда марказий венаси тромбозида кўрув нерви диски улчами катталашиши тўқимагадаги шишиш ва геморагия ҳисобидан келиб чиқади. (59 - расм).



59 - расм. Тўр парда марказий венаси тромбозида кўрув нерви диски улчами катталашиши.

Кўрув нерв дискининг димланишида диск хажми катталашади, шишиш ҳисобидан буртиб чиқади, веноз димланиш кўзатилади, бош мия ичидаги босимнинг кўтарилиши ҳисобидан ва ликворнинг кўрув нерв қобиглари ичидан чиқиб кетишининг кийиндлашиши ҳисобидан. Кўрув нерви дискининг димланиши бош мия усмаларида, бош мия ичидаги гематомаларда, бош мия кисталари, гидроцифалияларда, миненгитларда, каверноз бушликнинг тромбозида, ёмон сифатли гипертонияларда, ҳамда кўз гипотонияларида куринади (60 - расм).

Кўрув нерв дискининг псевдодимланишида худди псевдоневритдай кўрув нерви дискининг катталашиши, глиоз хужайраларнинг нормадан кўплиги билан боғлиқ. Глиоз тўқимага кўрув нерви дискини биров буртириб курсатади.




60 - расм. Кўрув нерв дискининг димланишида диск ҳажми катталашади.

*Кўрув нерви дискининг чегараларининг ўзгариши* – Кўрув нервнинг чегараси тўр парда марказий тромбозда, Йенсеннинг юкстопапиляр учокли хориоретинитларда, ишемик нейропатияларда, Кўрув нерв диски димланиши ва папилитларда кўзатилади. Тўр парда марказий венасининг тромбозда кўрув нерв дискларининг чегаралари ноаниклиги веноз димланиш, тўр парда шишиши, геморагия ва плазморагия ҳисобидан юзага келади. тўр парда марказий венаси тромбозда вена қон томирлар буйлаб қон қуйилишлар – эзилган помидор симптоми кўзатилади, тўр парда тўқимагаси шишади, кўриш майдонида скотомалар пайдо булади, кўриш ўткирлиги пасаяди.

*Йенсеннинг юкстопапиляр учокли хориоретинитида* патологик учок Кўрув нерв дискининг киргогида жойлашган, унинг асосий этиологияси Кох сил таёқчалари ҳисобланади (туберкулез).

*Ишемик нейропатияларда* кўрув нерв дискининг чегараларининг ноаниклиги нерв талаларининг шишиши ишемия ва гипоксия ҳисобида нюзага келади. Жараён секторал бўлиши мумкин бу кўрув нервнинг қон билан таминланишининг хусусиятларига боғлиқ ва бу ҳолатда Кўрув нерв дискининг чегаралари айрим жойларда ноаник бўлиши мумкин. Кўрув нерв дискининг димланишида унинг чегараларининг ноаниклиги тўқимаганинг шишишига боғлиқ. Папилитларда эса Кўрув нерв дискининг чегараларининг ноаниклиги эксудатив шишиш билан боғлиқ (61 –расм).



61- расм. Ишемик нейропатияларда кўрув нерв дискининг чегараларининг ноаниклиги.

### Кўрув нерв диски эксковациясининг ўзгариши.

Кўрув нерв диски эксковациясининг ўзгариши глаукома ва псевдоглаукомаларда учрайди. Физиологик эксковация билан кўрув нерв диски (Э/К) уртасидаги мўтаносиблик 0,6 гача, агар бу мўтаносиблик 0,6 дан юкори бўлса глаукомага мойиллик ва кўрув нерв атрофиясига келадиган ҳаф гурухига киради. Кўз ички босими баланд беморларни текширишда куйдаги принципларга риоя қилинади: кўрув нерв диски эксковацияси канча катта бўлса шунча глаукома пайдо бўлиш ҳафи бор. Патологик кирғокли эксковациялар кўп ҳолатларда глаукоматоз нейро оптико патиялар билан боғлиқ. Бунда нейроТўр пардал халка камаяди ва охирида йуқолади. физиологик эксковацияда эса бу халка бир зайилда тўради ва доим сакланади. Патологик эксковациялар кўп ҳолатларда қон томирлар тўтамининг соат 6:00 ва 12:00 да учрайди, гилиоз тўқимаганинг энг зайиф жойи шу ер ҳисобланадди. Айрим ҳолатларда эксковация аввал дискнинг темпорал томонидан бошланади, қон томирлар майда бўлганлиги учун. глаукомада бошқа нейропатияларда нерв толаларнинг каверноз дегенерацияси учрайди, астроглия ва бриктўрувчи тўқимаганинг пролеферацияси учрамайди. Кўз ички босимининг баландлиги ҳисободан селеранинг галвирсимон плпстинкаси ташқарига деформация булади, бу эксковацияни яна чуқурлашишига ва кирғокларини ўткирлашишига олиб келади. Шунинг учун қон томир тўтамининг йуналиши узгаради ва дискнинг темпорал томонига қараб силжийди, эгилади ва зиналар ҳосил қилади. Глаукоманинг

## КЎЗ ТУБИНИНГ КЛИНИК ВА ДИАГНОСТИК АҲАМИЯТИ

биринчи боскичида (бошлангич) кўрув нерв дискининг эксковацияси кенгайди лекин диск киргогига етиб бормайди. Глаукоманинг иккинчи боскичида (ривожланган) кўрув нерв дискининг эксковацияси айрим жойларда дискнинг киргогига етиб боради. Глаукоманинг учинчи боскичида (узокга чузилган) эса кўрув нерв диски эксковацияси тулик киргокларга етиб боради, кўрув нерв дискининг хажми катталашади ва оқаради. Глаукоманинг Тўртинчи боскичида (терминал) кўрув нерв диск эксковацияси тотал. Атрафия кўрув нервдан ташқари томирли қаватга ҳам таркалади.


**Кўрув нерв диски эксковациясининг Несторов А.П., Егоров Е.А., 1978 й буйича таснифи (класиффикаци).**

1 темпорал. кўрув нерв диски эксковацияси ҳамма томонга кенгайга лекин кўпроқ темпорал томондан кўзатилади.

2 юқори ва пастки кутбларда эксковациянинг чуқурлашиши. Эксковация фонида юқори ва пастки кутбларда улар яна чуқурлашган.

3 эксковация тусиб тўриши билан. Стериоскопик усул билан аниқланади. Кўрув нерв дискининг атрафияси чуқурда бор лекин, ички чегараовчи мембранада сакланган, қон томирлар эксковацияни тусиб тўради.

4 колбасимон эксковация. Глаукоманинг узокга чузилга ва терминал боскичларга хос. Бунда эксковация четлари қовлагандай қуринади. (62 – расм).



62 - расм. Кўз туби нормада ва глаукомада.

### **Псевдоглаукома.**

Бази бир касалликларда (уйку артерияларнинг, цилиар артерияларнинг узун ва калта тармоқларнинг склерози, темпорал артеритларда, облитирацияловчи эндоартеритларда) кўрув нерв дискининг эксковацияси кўзатилади, лекин бу ҳолатларда кўз ички босими нормада булади, кўз гидродинамикаси бузилмайди.

### **Тўр парда қон томирларининг ўзгаришлари.**

Тўр парда қон томирларининг ўзгаришларини баҳолашда уларнинг: ранги, калибри, булинишининг характери, қон томирларнинг деворининг ҳолати, кесишма симптомининг борлиги, неоваскулиризациянинг борлиги эътибор қаратамиз.

**Тўр парда қон томирларнинг рангининг ўзгариши.** Тўр парда веналари рангининг ўзгариши марказий тўр парда тромбозида (МТТ), баъзи умумий касалликларда, юрак ва нафаснинг оғир етишмовчилигида, катта буйин веналарининг димланишида, полицетимияларда бу касалликларда веналар тук кук тусга киради (цианоз), артериялар ҳам узини рангини узгартиради, қон томирлар деворларининг ўзгарганлиги учун.

**Тўр парда қон томирларининг калибларининг ўзгаришлари.** Қон босимининг даражасига қараб томирлар калибри ва йуналиши узгаради. Гипертоник касалликларда, атеросклерозларда, буйракнинг бирламчи атрафиясида, бош миянинг қон билан таминланишининг камайишида, анемияларда ва хинин билан захарланганда қон томирлар тораяди. Юқори даражали миопияларда қон томирларнинг торайиши кўзнинг оптик мухитларнинг ҳолатига боғлиқ. Юқори даражали гиперметропияларда, папилитарда, артериал гипотонияларда артериялар кенгаяди. Тўр парда веналарнинг кенгайиши вена ичидаги босимнинг кўтарилиши билан боғлиқ ва бу ҳолат глаукомада, тўр парда марказий венаси тромбозида, кўрув нерв дискининг димланишида, гипертоник касаллиги, қандли диабет ва хар қандай юз соҳасида жойлашган вена димланишига олиб келадиган касалликлар (синусит, ринит) кўзатилади. Веналарнинг нотекслиги гадир будурлиги қандли диабетнинг препролефератив даврига хос.

**Тўр парда қон томирларининг булинишининг ўзгариши.** Қон томирларнинг булиниш бурчагининг кўпайиши “бука шохлари” ёки “лола” симптомига олиб келади. Бу қон

## КЎЗ ТУБИНИНГ КЛИНИК ВА ДИАГНОСТИК АҲАМИЯТИ

томирларнинг деворларининг булиниш жойида қон томир деворларининг каттиқлашиши билан боғлиқ.

*Тўр парда қон томирларнинг девор ҳолати.* Артерия патологик ҳолатарида (фиброз, бляшка ва қон томир деворининг ҳар қандай калинлашиши) қон томир деворлари нурларни қайтаради ва нотекис рефлекс пайдо булади, қон томир узгаради, сарғиш тусга киради “Мис ва қумуш сим” сим симптоми. Бу симптом қон томирларнинг функционал ўзгаришларида – ангиоспазм ёки қон томирларнинг органик ўзгаришларда – ангиосклерозларда кўзатилади (63 – расм).



63 - расм. а) ангионатия, б) ангиосклероз, в) нейроретинопатия,

Микроаневризмалар майда, юмалок, кизил рангдаги чегараси аниқ, патологик учок ҳисобланади. Қон томирларнинг деворларининг етишмовчилигида кўзатилади, уз навбатида қон томир деворлари қопсимон деформацияга учрайди. Бу патологик доғлар асосий бўлиб қон қуйилишлардан фарқлироқ сурилмайди ва диабетнинг неролефератив боскичига хос (64 – расм).


### Диабетик Ретинопатия



64 - расм. Диабетик ретинопатия




**Тўр парда қон томирларнинг йуналишининг ўзгариши.** Тўр парда қон томирларнинг эгрилиги томир ичидаги босимнинг баландлиги билан боғлиқ. Артерияларнинг узи кийшйиши мумкин, веналар билан бирга ҳам кийшайиши мумкин. парамакуляр соҳада майда вена қон томирлар эгрилигини Гвиста симптоми дейилади ва у гипертония касаллигида учрайди. Энг дагал спирал шаклида кийшайиши аортакоорктацияси учрайди (65 – расм).



65- расм. Тўр парда қон томирларнинг йуналишининг ўзгариши.

**Тўр парда қон томирларнинг кесиб ўтиш симптоми.** Артериал қон босимининг ошишида, қон томир деворлари калинлашади ва артериялар узидан пастда жойлашган вена қон томирларни босади ва бу ерда артерия веноз кесиб ўтиш симптоми юзага келади (Салюса Гунна). Унинг учта даражаси бор (66 – расм).



66 - расм. Тўр парда қон томирларнинг кесиб ўтиш симптоми.


## КЎЗ ТУБИНИНГ КЛИНИК ВА ДИАГНОСТИК АҲАМИЯТИ

1 – даражаси: вена кесишма жойида артерияни тагида тораяди, венанинг кирувчи қисми кенгаяди.

2 – даражаси: вена кесишма жойида торайишдан ташқари кийшаяди, венанинг кирувчи қисми яна ҳам кенгаяди.

3 – даражаси венна кесишма жойида тўр парданинг шиш ҳисобидан буткул йуқолади.

Кесишма симптоми органик (ангиосклерозда) бўлиши мумкин, ҳамда функционал (ангиоспазм) бўлиши мумкин. У ёлгон бўлиши мумкин, қачонки бринчи тартибдаги артериялар иккинчи тартибдаги веналарни босса ва чин бўлиши мумкин иккинчи тартибдаги артериялар биринчи тартибдаги веналарни босса (67 – расм).




67 - расм. Кесишма симптоми

